



Бугунги сонда:

2-бет.

“Расмийчилик кетмайди.”

3-бет.

“...Вазият мураккаблашганини сезган қочоқ замонавий қаратэ усулларини қўллаб, таъқиб этувчига тан жароҳати етказди...”

4-бет.

“Уларни дағалликда айблашади, лекин...”

5-бет.

“Айрим милиция ходимлари қадаҳ кўтарилгач жиноятгача яна бир қадам қолишини унутиб, қоидага зид ҳаракатлар қилишмоқда, милициянинг обрўига путур етказишмоқда...”

6-бет.

“Гонконгдан жўнатилган тобут”

8-бет.

“ — Ҳомиланг кимдан бўлган? — сўради Камол дабдурустан...”

ОПЕРАТИВ ҲОЛАТ БАРҚАРОРЛИГИ УЧУН

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, ички хизмат полковниги Ж.Шилманов билан учрашув ўтказганимизга қадар унинг иш услубини тушуниш қийин эди. Хизмат зарурати туфайли бўлган мулоқот давомида бу кишининг босиқ, ҳар бир сўзни ўйлаб гапирувчи, шунингдек кўнгли очик инсон эканлиги аққол кўрindi.

— **Жанабой Палимович, маълумки яқинда Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибидagi мустақил республика макомини олди. Бу билан ИИБ фаолиятида, унинг таркибида қандайдир ўзгаришлар бўлди?**

— Мен энг асосий нарсасида сўз юритмоқчиман. Биз кадрларни танлаш ва жойлаштириш масалаларида катта мустақилликка эришдик. Яъни бу вазифалар ечими Қорақалпоғистон ИИБнинг ўз ихтиёрида. Бу эса жуда муҳим эканлигини таъкидламоқчиман.

Таркиб масаласига келсак, айтарли ўзгаришлар бўлгани йўқ, унинг асоси аввалгича қолдирилди. Менимча, бу тўғри. Биз фақатгина оператив ҳолатларнинг шаклланишига қараб баъзи бир ўзгаришлар киритдик. Қисқача қилиб айтганда жиноят-қидирув бўлимини,

эксперт-криминалистик хизматни бирмунча мустақамладик. Чунки сўнгги пайтларда уларнинг хизмат шароити оғирлашди... Бу ишлар янги штатлар ҳисобига эмас, балки мавжуд кадрларни қайтадан жойлаштириш орқали амалга оширилди.

— **Ҳозиргина оператив ҳолат тўғрисида гап бошладингиз, шу хусусда батафсилроқ сўзлаб берсангиз?**

— Бугун Ўзбекистонда бўлганидек бизда ҳам иқтисодий жиноятчилик — шахсий ва давлат мулкларини ўғирлаш сезиларли даражада ўсди. Агар ўтган йил билан бу йилнинг дастлабки етти ойини таққосласак, жиноятчиликнинг умумий даражаси 2,2 фоизга, жиноят-қидирув йўналишида эса 12 фоизга ошди.

(Давоми 2-бетда).

МУСТАҚИЛЛИК МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ички ишлар вазирлигида 30 август куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиш Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунига бағишланди.

Вазирлик клубида бир пайтлар осойишталикни сақлашда намуна кўрсатган, эндиликда кексалик гаштини сураётган ички ишлар фахрийлари ва айни кунда хизмат бурчини ўтаётган ходимлар жамулжам бўлдilar.

— Ниҳоят, узоқ йиллар ишониб-ишонмай кутилган бахт — истиқлолга ҳам эришдик, — деди ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти Зокиржон Алматов йиғилишни очар экан. — Бугун ана шу шодиенанинг бир йиллигини нишонлаш учун тўпландик.

Агар атрофга зийрак кўз билан қарасак, бир қанча кўшни давлатларга нисбатан юртимизда осойишталик барқарор. Бунда шубҳасиз шу ерда ўтирган ҳар бир кишининг, қолаверса, бу ерга келолмаган, хизмат бурчларини ўтаётган ҳамкасбларимизнинг хизматлари бор.

Кечагина Президентимиз Ислам Каримов хузурида бўлдим. У киши юртимиз мустақиллигини муҳофаза қилишда сизларнинг салмоқли ҳиссаларингизни эътироф этдилар ва қизгин табрикларини етказишми сўрадилар.

Шундан кейин олдинги қаторларда кўр тўқиб ўтирган фахрийларни кўкракка таъқиладикан. “Мустақиллик” нишони ҳамда пул мукофотлари билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



— Мен бугун жуда ҳаяжондаман, — деди фахрийлар номидан сўз олган истеъфодаги милиция генерал-майори Учқун Раҳимов. — Бугунги қувончди паллада шаънимизга айтилган миннатдорчилик учун, кекса авлод хизматларини унутмай кўнглимизни кўтарганларингиз учун минг бора ташаккур. Бу мустақиллик билан бирга имон-этиқодимиз, меҳри-оқибатимиз қайтариб берилганидан нишонадир.

Сўз навбати яна вазирга берилди.

— Ҳаммангиз яхши биласиз, милиция ходими учун бўш вақтнинг ўзи йўқ, — деди у киши табассум билан. — Ҳозир ҳам шундай. Аслида фахрийлар қатори хизматда ўрнатилган бир қанча ходимларимиз ҳам байрам тўғраларига сазовор бўлишган. Аммо совғаларни ҳозир тақдим этиш учун вақт зик. Ҳар биримизнинг олдимизда кечиктириб бўлмас хизмат ташвишлари турибди. Шунинг учун бу вазифани бошқармаларнинг ўзида муовинларим бажаришади.

Мен эса фурсатдан фойдаланиб, ҳар бирингизга соғлиқ-саломатлик, тинчлик, оилавий бахт тилайман. Юртимиз мустақиллигини ҳар йили бирга нишонлаш барчамизга насиб этсин. Оталаримиз тили билан айтганда, сафимиздан хато қилмасин.

Раҳмонали Қосимов,
“Постда”нинг ўз муҳбири.



ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

АЁЛ ҚЎЛИДА ПИЧОҚ

ОЛМАЛИҚ шаҳрида яшовчи, ишчилар таъминоти бўлимида ҳисобчи бўлиб ишлайдиган 30 ёшли Т. Душина уйда ўзаро жанжал туфайли тоғ-металлургия комбинатида қоровул бўлиб ишловчи эри В. Лимнинг кўксига пичоқ ботирди.

Фалокатни кутмаган эр шу ердаёқ ҳалок бўлди. Қотил хотин эса ушланди ва унинг устидан жиний иш қўзғатилди.

“НАФОСАТ”ЛИК ЎҒРИЛАР

ТОШКЕНТДАГИ Шумиллов темир йўл бекати назоратчиларидан ИИБга ариза тушди: “Нарион поле” бекатидан йўлга чиққан поезднинг икки вагонидан 10 бош қорамол ва 3000 сўм пул ўғирланган.

Изқуварлар ҳаракати бесамар кетмади. Қўлга олинган “Нафосат” ширкати ишчиси М. Усмонов ҳамда автокорхона ишчиси Ҳасановлар айбларига иқрор бўлишди. Қорамоллар эгаларига қайтарилди.

СИМГА ОСИЛГАН БОЛА

ГУЛИСТОН шаҳрилик, 7-урта мактабнинг саккизинчи синф ўқувчиси И. Тожиев уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, сим билан ўзини ўзи осиб қўйди.

Суиқасд сабаблари аниқланмоқда.

АВТОМОБИЛ ГУЛХАНИ

НАВОИЙ вилоятининг Зарафшон шаҳрилик Р. Гасенов шу кунларда қаттиқ изтиробда. Фақат милиция ходимларини астойдил ҳаракатлари билан тасалли беришпти.

Гап шундаки, қаллоблар унинг гаражи деворини бузиб киришгану “ВАЗ-2103” белгилли “тойчоғи”ни ёқиб юборишган.

ҚОТИЛ РАИС ЭКАН

ЯНА ШУ шаҳардаги “Роҳат” кичик корхонаси ҳайдовчиси Р. Баркинхонов елкасидан пичоқ еб, шифоконга келтирилди. Аммо шопилинч тиббий ёрдам наф бермади. У хушига келмасдан мангуга кўз юмди.

Милиция ходимлари тинимсиз ишлаб, жабрланувчи умрига зомин бўлган М. Маматиевни ҳибсга олдилар. Қизиги шундаки, у “Роҳат” корхонасининг раҳбари экан.

АВТОБУСГА ҚУРОЛЛИ ТАҲДИД

ФАРҒОНА вилоятининг Бешариқ районидаги воқеалар кўпчилигини тилидан тушмай қолди. Гап шундаки, тўрт нафар қуролли кимса “Тошкент-Қўқон” йўналиши бўйича қатнаётган 14-28 ТНЛ рақамли “Икарус” ҳамда “Чимкент-Қўқон” йўналиши бўйича ҳаракат қилаётган 10-02 ЧМЛ рақамли “ЛАЗ” автобусларини тўхтатган. Узиға қаратилган қўшогиз милтиқни кўриб, тормоз босишга мажбур бўлган ҳайдовчилар ҳолатини тушуниш мумкин.

Жиноятчилар талончилик қилиш мақсадида автобусларга кирмоқчи бўлганда, улардан бири милиция ходимлари томонидан ушланди. У Қўқон шаҳар, Низомий кўчаси, 59-уйда турадиган, ҳеч қаерда ишламайдиган Ҳабиб Маликхонов экан.

Қочибга улгурган бошқа жиноятчиларни ҳибсга олиш учун ҳаракат қилинмоқда.

АЖАЛ ҲОВУЧЛАГАНЛАР

ТОШКЕНТНИНГ Мирзо Улуғбек районида Садовая кўчасидаги 30-уйда яшовчи, 1977 йилда туғилган А. Абрамян, 147-мактабнинг еттинчи синф ўқувчиси А. Аванян, 71-мактабнинг тўққизинчи синф ўқувчиси Севонлар ушланди.

Улардан битта танка қарши портловчи мина, битта реактив ўқув снаряди, пулемёт ўқдони, яна “АК” автомати учун ўқдон торттиб олишди.

Бу ажал қуроллари кимга тегишли эканлиги тергов давомида аниқланади.

КИНГИРЛИКНИНГ ОХИРИ ВОЙ

ТОШКЕНТ шаҳрининг Сирғали районида икки нафар оддий аскар Нилуфар кўчасидаги ёнилғи сақлаш цистернасига ўғирликка тушишганди. Лекин... қўқиб ўлишди. Тафсилотлар аниқланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ матбуот маркази.

ЮЗ ФОИЗ ОБУНА БЎЛДИК

“Постда” — “На посту” газеталари қайтадан нашр этила бошлаган пайтдан бошлаб унинг ҳар бир сонини мароқ ва иштиёқ билан ўқишга одатланганмиз. Зотан бу газеталарнинг касб маҳоратимизни ошириб боришда, бошқа ҳамкасбларимиз иш тажрибаларини ўрганишда, керак бўлганда чигал муаммоларимизни ҳал этишда ҳиссаси ўзига хос ва салмоқлидир. Ана шуларни ҳисобга олган бошқармамиз барча офицерлари келгуси йил учун мазкур нашрларга ёзилишиди.

Бахтиёр ЗОКИРОВ,

ИИБ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш бошқармаси ходими, милиция капитани.

Бўлимимиз ходимлари “Постда” — “На посту” газеталарини ўзгача хоҳиш билан мунтазам мутолаа қилиб келадилар.

Чунки мазкур газеталарда республикамиз ички ишлар идоралари ҳаёти, милиция ходимларининг оғир ва масъулиятли хизматлари кенг ҳамда ҳолислик билан ёритилади. Айни пайтда кундалик фаолиятимизда учрайдиган турли муаммолар ечимини ҳам ана шу нашрлардан топаёмиз.

Биз бундан кейин ҳам “Постда” — “На посту” газеталари энг яқин дўстимиз, маслаҳатгўйимиз бўлиб қолади, уларнинг саҳифаларида янада долзарб ва қизиқарли мақолалар чоп этилаверади, деб ишонамиз. Шунинг учун 1993 йил учун юз фоиз обуна бўлди.

В. КОЖУХОВ,

ИИБ ҳарбийлаштирилган ва махсуслаштирилган ташувчи бўлим бошлиғи, ички хизмат полковниги.

БИЗНИНГ МУСОҲАБА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуниси ташвишланарлики, жиноят-қидирув йўналишида содир бўлган жиноятларнинг 40 фоизи гиёҳвандлик ва гиёҳвандликка боғлиқ бўлган олди-сотди ишларига алоқа-дордир. Борган сари эсан-киратувчи гиёҳлар экиш ҳоллари кўплаб учрамоқда, кейинги вақтларда 10 фоизга кўпайган. Уни сақлаш ва керакли жойларга жўнатиш ҳоллари 30 фоизга ортди. Бундай оғуни одамлар кўзидан ҳоли бўлган ташландиқ жойларда ҳам, томорқаларда ҳам ва ҳаттоки Нукуснинг ўзида ҳам ўстиришмоқда. Хуллас, бу масала ҳозирги кундаги энг долзарб ва қалтис масалалардан бири бўлиб, уни бор куч ва имкониятларимиз билан ҳал этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Шу мақсадда жиноят-қидирув бошқармасида махсус гуруҳ иш олиб бормоқда.

— Баҳорнинг ўрталаридан бери «ҚОРАДОРИ-92» тадбири, июлнинг охиридан бошлаб эса «92-йил ҳосили» тадбири давом этмоқда. Бу борада нимага деяр оласиз?

— «92-йил ҳосили» тадбири бу йилдаги галла ҳосилини йиғиштиришдаги исрофгарчиликларни камайтиришга қаратилган. Давлат автомобил назорати, ёнгиндан сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш хизматлари раҳбарларини йиғиб, мажлис ўтказилди. Уларга аниқ топшириқлар берилди. Ходимлар алоҳида ҳўжалик ва районларга бирктирилди. Бизда асосан гуруч, бугдой ва маккажўхори етиштирилади. Бу экинлар сентябрь ойида айна пишиб етилади. Шунинг учун бу давр деҳқонлар учун ҳам, милиция ходимлари учун ҳам энг серташвиш давр ҳисобланади.

Ўтган йили дон омборларидан 12 марта йирик ўғрилиқ қайд этилди ва улар юзасидан жиноий ишлар кўзғатилди. Бу йил осон бўлади, деб умид қилиш қийин. Иқтисодий шароитнинг оғирлашиши муносабати билан ўғирликлар камайиши ўрнига

янада ортиши кутилмоқда. Демак, иқтисодий жиноятчиликка қарши курашда милиция ходимларининг иши янада кўпаяди.

Яна шунини айтиш керакки, қишлоқ ҳўжалик объектларида ёнгин чиқишига йўл қўймаслик учун ўт ўчирувчиларнинг ҳам, участка вакилларининг ҳам шу мақсадда бажариши лозим бўлган махсус вазифалари белгиланган.

— Жанабой Палимович, биз бугунги кунда унутила бошланган, лекин ўз аҳамиятини йўқотмаган

эга бўлган кадрлар ҳисобига тўлдирилди эди. Ҳар икки участка вакилидан бирининг шахсий иши билан танишсангиз, шубҳасиз автомобил йўллари билимгоҳининг битирувчиси бўларди. Ҳозирги кунда секинлик билан бўлсада, шароит ўзгармоқда: участка вакилларининг 50 фоизи маълумоти бўйича ҳуқуқшунослардир.

Жорий йил бошида биз ҳўжаликлар ҳисобига ушлаб турилган 311 штат бирлиги юзасидан анча қийинчиликларга дуч келдик. Ташкилот ва

кенгайиб бормоқда.

— Ҳозирги кунда биз мураккаб, натижасини олдиндан билиб бўлмайдиган даврни бошдан кечирмоқдамиз. Сиз республика ички ишлар идораларининг яқин келажақтаги истиқболини қандай тасаввур қиласиз, унинг имкониятларини қандай баҳолайсиз?

— Мен ҳозирги даврнинг чигаллиги тўғрисида бунчалик қатъий гапирмаган бўлар эдим. Қорақалпоғистонда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий ҳолат мустақкам бўлиб, у ҳар хил

керакки, ҳар йили 23 минг нафар ўрта мактаб битирувчилари мустақил ҳаётга қадам қўйдилар. Уларга ҳам иш керак. Илгари 5 минг нафарга яқин йигит армия сафига қақирилса, ҳозир бу рақам 1,5 минг нафарни ташкил этади.

Яна бир ҳолат. Вазият кескинлашган сари милицияда хизмат қилаётганлар сони тобора камаймоқда. Юқоридаги муаммоларни кўзда тутиб, биз Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматида қатор асосли таклифлар киритдик. Унда ички ишлар ходимлари сонини ошириш ҳам назарда тутилган. Бу масалада Ўзбекистон ИИБ раҳбарияти яқиндан ёрдам бераётганлигидан мамнунмиз.

Йил бошида хизматдан бўшатирилган ходимларни барибир қайтариб бўлмайди, энди ўша қолган 87 кишини ушлаб қолиш йўлини қидириш керак.

Биз учун ягона умид яқинда иш бошлайдиган ҳарбий хизматчилардан тузилган милиция батальонидир. Улар учун шаҳарча қурилган. Эндиликда 150 нафар ходим пост-патрул хизматини сезиларли кучайтиради.

— Уларнинг сони ошар эканда?

— Ҳар ҳолда бунинг учун биз мавжуд барча имкониятларни ишга солмоқдамиз. Турли хил ноанъанавий услублардан фойдаланмоқдамиз.

Яқинда мен прокурор иш-тирокида ишхонамда бизга маълум бўлган жиноятчилар гуруҳининг бошлиқларини йиғдим. Бу балки вазирнинг ваколатига кирмас. Қонунни ва ҳуқуқ-партиботни бўзсалар, қатъийан жавобгар бўлишлари тўғрисида расман огоҳ-лантирдим. Учрашув ўз самарасини беради, албатта. Ҳар ҳолда бу ерда йиғилганлар биз уларни билишимизни, унутмаганимизни ва ҳар бир ҳаракатидан вофиқ эканлигимизни тушунишди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун сизга раҳмат.

Суҳбатдош А. ВОРГУДЯЕВ.

ОПЕРАТИВ ҲОЛАТ
БАРҚАРОРЛИГИ УЧУН

шиорларга тез-тез мурожаат қилмоқдамиз. Масалан, улардан бири: «Кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади».

Ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар идораларида кимлар ишламоқда ва улар қай йўсинда танлаб олинмоқда?

— Агар миллий нуқтан назардан келиб чиқадиган бўлсак, бизда ўнлаб миллатларнинг вакиллари хизмат қилишмоқда. Танловнинг асосий шарти касбий ва ишбилармонлик сифатларидир, махсус ҳуқуқий маълумотга эга бўлмаган шахсларни хизматга олиш деярли тугатилди. Асосан маҳаллий кадрларга катта эътибор берилмоқда, яъни ходимлар ўзи яшаб турган жойларида хизмат қилмоқдалар.

Агар ходим сиртдан ўқиш истагини билдирса, биз уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, ҳуқуқий маълумот олишига ёрдам берамиз. Сир эмаски, сўнгги йилларда профилактик хизмат, айниқса участка вакиллари лавозимлари асосан ўрта техник маълумотга

корхоналар моддий таъминотини рад қилганликлари учун бу штатларни қисқартиришга тўғри келди. Ҳозирда уларнинг сони 87 нафар, 100 дан ортиқ участка вакиллари эса қисқартириш туфайли ишдан бўшатилдилар.

— Улар хизмат кўрсатиши лозим бўлган участкалар тақдирини нима бўлди?

— Бу участкалардаги иш кўлами қолган участка вакиллари зиммасига юклатилди. Хизмат кўрсатиш ҳудудлари кенгайди. Бугунги кунда ҳар бир участка вакилига 12 минг аҳоли тўғри келади. Нукуснинг ўзида эса бу рақам 14 мингга етади, ваҳоланки аслида 5 минг бўлиши керак. Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги ҳолатларга қараб участка вакилларининг хизмат шароитлари қандай эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шаҳар кенгашининг маълумотига кўра, Қорақалпоғистоннинг пойтахтида ҳозирда 270 минг аҳоли яшайди. Шаҳар янада кенгаймоқда. Шундай бўлгач, қонунбузарлар сафи жиноят содир қилишга мойил бўлган ёш авлод ҳисобига

салбий ҳодисаларнинг содир бўлишига йўл қўймайди. Бизда бошқа минтақаларда бўлгани каби кескин миллий тўқнашувлар йўқ. Кўз тегмасин, бу жуда яхши кўрсаткич. Албатта уни янада барқарорлаштиришимиз лозим.

Жиноятчилик соҳасига келсак, бу ерда ҳодисаларнинг ривожланиши бир қанча сабабларга боғлиқ.

Энг аввало иқтисодий тақчилликни айтиш керак. Иккинчидан, бизда бошқа вилоятларга нисбатан аҳолини иш билан таъминлаш режаси анча орқада қолмоқда.

Хусусан, шаҳарда қури-лаётган тўқувчилик комплексининг биринчи навбати ишга туширилди, бу фақатгина 300га яқин одамни иш билан таъминлашга имкон берди. Бу дарёдан томчи холос. Кўпгина корхоналар хом ашё ва материаллар етишмаслиги туфайли ҳафтада фақат уч-тўрт кунгина ишламоқда. Қурилиш ташкилотларининг аҳволи ҳам яхши эмас.

Яна шу нарсани таъкидлаш

миқдорида қараб ўзгартириш ҳуқуқи берилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг ҳар бир табақаси бўйича расаматлар миқдори тўғрисидаги таклифлар шаҳар (район) меҳнат биржалари томонидан, аҳолининг иш билан бандлик ҳолати, мавжуд иш жойларининг миқдори ва шундай шахслар сони ҳисобга олинган ҳолда киритилади ва маҳаллий бошқарув идорасининг қарори билан тасдиқланади.

Шаҳар (район) меҳнат биржалари расаматли иш жойларини ҳисобга оладилар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга йўланма берадилар.

Бу табақадаги кишилар расаматда белгиланган иш жойларига қабул қилинаётганларида корхона 6 ой муддатта шойинчи меҳнат шартномаси тузади, кейинчалик у ўзaro келишувга мувофиқ узайтирилиши мумкин.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож киши ишга олинмаган тақдирда корхона Ўзбекистон Республикасининг иш билан банд қилишга ёрдам берувчи Давлат фондида шу хизмат тўлов қозонига мувофиқ ўтган йилдаги ўртача йиллик маош миқдорида маблағ ўтказди.

Шундай қилиб, ахлоқ тузатиш ишлари профилактика назоратчилари, милиция участка вакиллари тезликда меҳнат биржалари билан алоқани йўлга қўйишлари, бир йилга керакли иш жойлари ҳақида таклиф киритишлари ва шу аснода илгари судланганларни ишга жойлашлари, бу кишилар меҳнат жамоаларида ўрнашиб қолишларини кузатишлари даркор. Жазони ўтаб ёки мажбуран даволаниб қайтган ҳар бир кишининг ишга жойлашиши назоратда бўлиши шарт. Бунда қуруқ расмиятчиликка ўрин йўқ.

Суҳбатдош А. БРАЙЛОВСКИЙ.

РАСМИЯТЧИЛИК
КЕТМАЙДИ

Ички ишлар идоралари зиммасига жазо муддатини ўтаб, махсус комендатуралар ҳисобидан чиқарилган ва ичкиликбозликдан мажбурий даврлаб қайтган кишиларга ишга жойлаштирилиши ёрдам беришдек мураккаб вазифа юклатилган. Бозор муносабатларида ўтиш оқибатида кўплаб корхоналарда иш ўринлари қисқартирилатганлиги мазкур вазифа ечимини янада қийинлаштирмоқда.

Жамоатчи муҳбиримизнинг ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Қаҳрамон Назаров билан қилган суҳбати ана шу хусусда.

— Ҳақиқатан ҳам юқорида тилга олинган шахсларни ишга жойлаштириш ҳар доим сермашаққат бўлган. Ихтиёрий равишда жиноятга қўл урган кишиларни қабул қилиш учун нега энди виждонан ишлаган ходимларимизни бўшатишимиз керак экан, деб савол бераётган корхона раҳбарларини ҳам тушуниш мумкин. Лекин жазосини ўтаб, ҳалол кун кечиришга қолганларнинг мақсадини ҳам тўғри идорқ этмоқ керак. Бошқаларга қараганда уларнинг имкониятлари камроқ. Чунки бундай кишиларнинг кўпчилиги бирор касб соҳиби эмас, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган оилалари, ёру биродарлари йўқ, устига устак аксариятининг саломатлиги ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди.

Шунинг учун иш билан таъминланиш тўғрисида 1992 йил 13 январь куни қабул қилинган Қонунда барча корхоналарда иш жойларининг 7 фоизи ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар учун ажратилиши кўзда тутилганлиги бежиз эмас. Булар қаторига юқорида кўрсатиб ўтилган фуқаролар ҳам киришади.

Хизмат вазифасига кўра илгари судланганларни ишга жойлаштириш билан шугулланадиган милиция ходимлари биринчи навбатда юқоридаги Қонун билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан банд қилиш тўғрисида»ги қонунининг амалга оширилишини таъминлаш ҳақида»ги қарори билан танишишлари зарур. Мазкур қарорда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлаштиришда катта қийинчиликларга учраётган кишиларни ишга олиш расамати белгиланган.

Унда жумладан, маҳаллий идоралар мулкчилиги ва ҳўжалик юритиш шаклларида қатъий назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга махсус иш жойлари (минимал миқдорда) қолдирилиши (расамати) ҳақида кўрсатма бериши кўзда тутилган. Ҳокимликларга эса ўз ҳудудда жойлашган корхоналарда юқоридаги табақага кирувчи кишилар учун ҳар йили қолдирилиши керак бўлган иш жойлари расаматини шундай шахсларнинг

ИШОНЧНИ
ЙЎҚОТМАЙЛИК

Мустақилликка эришганимиздан кейин миллия феолиятда ҳам жиддий ижобий ўзгаришлар юз берди. Аммо барибир қонунбузарликлар ривожини жилавланга эришиш қийин кечяпти. Негиз?

Ўшбу саволга Нурота райони ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлимида бошлиғи, милиция капитани Раҳимжон Бобоев шундай жавоб қилди.

— Кўпича бир муаммо ҳар бир оёйишталик посбонини ўйлантиради. Ҳуқуқбузарликка қарши курашда аҳолининг таъсири сезилмаяпти.

Менямка, бунини секин-асталик билан бўлсада, ҳал этиш мумкин. Бунинг учун кўпчилигининг ишончини қозониш керак. Гапларим баъзиларга ялтироқ фикрдай туюлиши мумкин, лекин шундай.

Авалло бизга шикоят қилиб келаётган ҳар бир кишининг ҳолатини чиқаришимиз, дардига малҳам қўйиб, жабр етказганини тановини тортишимиз лозим. Токи ҳар бир фуқаро ноҳақлик албатта ўз баҳосини олишига ишонсин. Бу ишлар, табиики, юксак маданият билан амалга оширилиши шарт.

Менга қолса, ички ишлар бўлимлари пештоқига «Бу ердан ҳеч ким норози бўлиб чиқиб кетмаслиги керак!» деган шиорни ёзиб қўярдим.

— Район газетасида ҳам турли манзурлардаги мақолаларнинг билан қатнашиб турамансиз...

— Бундан мақсаднингиз нима, демоқчимсиз? Лўндасини айтиб қўяй: қўлдан келганича халқни жиноятчиликка қарши курашга кўтаргим келади. «Жамоат иззаси» деган иборани эшитганда, баъзилар мийғида кулиб қўйишади. Ана шунинг ўзи ҳам жамиятдаги чиркин шахслар феолиятга нуқта қўйишда энг омилкор қуролдан фойдалана олмаётганимизни кўрсатади. Эшитгансиз, қадимда ўғирлик қилганини қўлини кесипаркан. Бу фақат тан жазоси бериш эмас, унинг башарасини халққа танитиш ва қўпчиликга назоратини шунга йўналтиришдир.

Ҳозир бундай қилиш қонун нуқтаи назаридан ҳам, одамийлик нуқтаи назаридан ҳам мумкин эмас. Ҳеч бўлмаса, жамоат иззаси беришдан фойдаланайлик ахир!

— Ҳозир районингизда оператив назият қандай?

— Худода шукур, ёмон эмас. Аммо олиб-сотарлик кучайган. Бунга нарх-навоининг юқорилиги биринчи сабаб бўлса, иккинчидан ишсизлик ҳам туртки берапти. Энг ўткир муаммомиз ана шу.

Суҳбатдош Абдумутал НОРОБОВ.

Сиз кутган, кутмаган хабарлар

БУ ҲАМ ЖАСОРАТ

31 август, соат чамаси 18.30. Бу пайтда барча юртдошларимиз Ватанимиз мустақиллигининг бир йиллигини шод-хуррамлик билан тантана қилишаётганди. Милиция ходимлари Фарҳод Туронов ҳамда Элмурод Эргашевлар район маркази — Навбахор кўрғониди байрам завқидан сармаст фуқаролар осойишталигини муҳофаза қилиш билан банд эдилар.

Ногоҳ улар катта сумка кўтариб олган икки кишини кўриб қолдилар. Шубҳалари асослими-йўқми — текшириб кўрмоқчи бўлишди. Аммо номаълум кимсалар милиционерлар талабига бўйсуниб ўрнига икки томонга қочиб қолишни афзал кўришди.

Фарҳод улардан бирига тез орада етиб олди.

Вазият мураккаблашганини сезган қочоқ замонавий каратэ усулларини қўллаб, таъқиб этув-

чига тан жароҳати етказди. Кейин газ баллони ёрдамида хушсизлантиришга уринди.

Иложсиз қолган милиционер огоҳлантириш учун осмонга қарата уч марта ўқ узди. Бу ҳам кор қилмагач, рақибнинг газ баллони тутган қўлини тўртинчи ўқ билан яралади.

Элмурод ҳам ўзи изидан тушган қочоқни ушлаб зарарсизлантирганди. Икковини ҳам Фурқат райони ички ишлар бўлимига келтиришди. Шу ерда гувоҳлар иштирокида тортиб олинган сумка очилганда 2 килограмм кўкнор ва икки дона газ баллон борлиги аниқланди. Яна шу нарсга маълум бўлдики, ҳуқуқбузарлардан бири муқаддам судланган, 28 ёшли И. М. иккинчиси эса 30 ёшли Х. И. экан.

Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Муҳаммадрасул КИМСАНБОВ,
милиция майори.
Фаргона вилояти.

ҚАРЗ БАҲОНА БЎЛГАНДИ

Аҳад ўғрилиқни ёшлигидан — ҳали мактабда ўқиб юрган пайтлариданоқ бошлаган эди. Унинг дастидан синфдошларининг сумкаларида дафтар-ручкалар ҳечам турмасди. Вояга етгач тўплаган тажрибаларига суяниб, каттароқ ўғирликларга қўл урди ва кўп ўтмай ўтириб ҳам чиқди.

Қамалиб кетишига қўйидаги воқеа сабаб бўлганди. 1988 йилнинг безовта кунларидан бирида Аҳад Зикрилло ва Ҳусан исмли оғайнилари билан бирга Шаҳрисабз районидаги сут-товар фермасидан уч бош қорамолни ўғирлаб кетишди. Молларни кўшни Китоб районининг Аспи духтар қишлоғида истиқомат қилувчи қассобниқига келтириб қўйишди. Ўғрилиқ тезда фош этилди ва Аҳаддан бошқаларининг вояга етмаганлиги ҳисобга олиниб, тайинланган жазо маълум муддатга кечиктирилди. Аммо Аҳад уч йилнинг қулорини ушлаб кетди.

Бу муддат ҳам «ҳайё-хув»

дегунча ортида қолди. Аҳадга яна озодлик нашидасини суриш насиб этди. Бир куни у Ҳусан билан учрашиб қолди. Ва кўнглида тугиб қўйган гапларини айтиб солди: «Менга қара, мен сен учун ҳам ўтириб чиқдим. Шуни биласанми? Ана шунинг учун каминга беш минг сўм пул берасан. Гап тамом».

Ҳусан устозининг феълени билганлиги учун ҳам ёлворишга ўтди: «Аҳад ака, бунча пулни уйдан олиб чиқадиغان бўлсам, отам теримни шилиб қўлимга беради. Яхшиси, бирон бир йўл кўрсатинг».

Икковлон ўйлаб-ўйлаб, охири яна ўша — бундан уч йил аввал ўғирлик қилишган фермани эслаб қолдилар. Бу сафар фермага эмас, балки унинг мудри хонадонига кирадиган бўлишди. Фақат яна битта шерик керак. Аҳад бу ишни Ҳусаннинг ўзига юкледи.

1992 йилнинг илк ойларида, Ҳусан қариндоши — Зоирнинг иш жойларига борди ва шерикликка кўндирди. «Ёрдам бермаган

номард», — деди қариндош.

Келишилган тунда Ҳусан «боевой» қуролланди (милтиқ, пичоқ билан).

...Уйга шарпасиз киришди. Хонадон соҳиби ўта сергак экан; келганларни дарҳол пайқайди. Аммо вазиятдан қутилиш йўлини топиб улгурмади. Ҳусан унга милтиқни тўғирлади. Аммо уй эгаси шошиб қолмади. «Отсанг, ота қол, баччагар босмачи», — дедию, милтиққа ёпишди. Аллақачон уйғонган хотини ҳам ёрдамга шўшилди. Босқинчилар қочишни афзал билишди. Қочаётганлардан бирининг бошига уй эгаларининг қизи — Гулсевар кўмир тўла тоғора билан тушириб қолишга улгурди. Хуллас, Ҳусан қарздан, Аҳад эса пуллик бўлиб қолиш бахтидан мосуво бўлдилар.

Кўп ўтмай уларнинг учови ҳам «Шаҳрисабз райони ИИБга келтирилди».

Ҳайдар ЖўРАЕВ,
милиция капитани.

ҚАРЗ БАҲОНА БЎЛГАНДИ

Жамоатчилик билан бирга

Шароф Рашидов райони ички ишлар бўлими раҳбарияти яқинда жамоатчиликнинг ёрдамига таянган ҳолда «Комплекс-92» тадбирини ўтказди. Уни ўтказишда бўлим 40 нафардан зиёд ходимларини, 100 дан зиёд кўнглиларини жалб этиб, қишлоқ кенгашлари ҳудудларида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган ишларни амалга оширди. Тадбир давомида халқ ҳўжалигининг 63 та корхона, ташкилот, муассасалари текширилиб, шулардан ёнгин хавфсизлиги таъминланмаганлиги, электр системалари ноёбчилиги учун 16 таси вақтинчалик фойдаланишдан тўхтатишда ҳамда қисқа муддат ичида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилди. Шунингдек, ёнгин хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган икки киши устидан ўз вазифасига нисбатан совуққонлиги учун ташкилот раҳбариятига тақдирнома йўлланди.

Тадбир жараёнида участка вакиллари 1 нафар маъмурий назорат остида бўлган шахс билан, 5 нафар расман назорат остида олинган мумкин бўлган шахслар, 79 нафар муқаддам судланганлар, 3 нафар жазо муддати кечиктирилганлар, 28 нафар вояга етмаганлар билан ишлаш назорати ҳисобиди турувчилар, 7 нафар гиёҳвандлар, 4 нафар руҳий касаллар,

42 нафар ахлоқ тузатиш муддатини ўтаётганлар, 165 нафар отиш қуроллари бўлган шахслар билан суҳбатлар ўтказишди.

Бўлим ходимлари ва кўнглилар ўтказилган тадбир даврида жами 439 та ҳуқуқбузарлик содир бўлганлигини аниқладилар.

Тадбирни ўтказишда милиция ходимлари билан бирга Узоқов номли, Темур Малик номли давлат ҳўжалиқларининг, район ҳокимлигининг солиқлар инспекцияси, молия бўлими, умумий овқатланиш корхонаси, ишлаб чиқариш корхонаси, Пахтабод кўрғони кенгаши вакиллари сидқидилдан иштирок этдилар. Ички ишлар бўлими раҳбарияти уларга миннатдорчилик билдиради.

Бўлим раҳбарияти «Комплекс-92» тадбири якуинини таҳлил этиб, яхши натижалар берганлигини қайд қилди.

Бундан кейин ҳам жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда бундай тадбирларни мунтазам ўтказишга қарор қилинди.

А. АЙДАРОВ,
Ш. Рашидов райони ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги.

СУРАТЛИ ХАБАР



Бўқа райони ИИБ давлат автомобил назорати бўлими ходимлари иқтисодий тақчиллик ҳўжмрон бўлган айни пайтда ҳўшёрликни янада ошираёттирлар.

Суратда: назоратчи, милиция старшинаси Ҳамидулла Кенжаев ва катта назоратчи, милиция сержанти Собиржон Жонузоқовлар йўловчи машина юкхонасини кўздан кечиришмоқда.

Сураткаш Ҳабибулла ШОДИЕВ.

ШОИР БИЛАН УЧРАШУВ



Яқинда Тошкент шаҳри ИИБ Давлат автонazorати бошқармаси клубида таниқли шоир Зоҳиджон Обидов билан учрашув бўлиб ўтди.

Уни ДАНБ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Умар Азимов олиб борди. Улуғ Ватан уруши ногирони, Шўҳрат орденининг ҳар икки даражалари нишондори, ҳассос шоир йиғилганларга ўз ижоди ҳақида сўзлаб берди ва халқнинг юрагидан ўрин олган шеърларидан намуналар ўқиди.

Кечага автонazorатчиларни хушнуд этиш учун таниқли кулги усталари Мирза Холмедов, Тўхтамурод Азизов ҳамда Марям Тангрибердиева раҳбарлигидаги «Хоразм гулдастаси» ашула ва рақс дастаси ташриф бурди.

Ҳабиб ШУКУР.
Суратда: шоир Зоҳиджон Обидов автонazorатчилар даврасида. Муаллиф олган сурат.

Қисқа саптрларга

ТЕРГОВ БОШЛАНДИ

КАШҚАДАРЁ. Шаҳрисабз шаҳридаги Кулолчилик кўчасида истиқомат қилиб келган, муқаддам қотиллиги учун судланган, 1959 йилда туғилган У. Тиллаев бу гал қўлини собиқ хотинининг қонига бўяди. Тери касалликлари шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлайдиган М. Шарипованинг бўйнига ва қорнига бир неча марта пичоқ санчган. Аёл воқеа жойидаёқ ҳалок бўлган.

Изкуварлар яширинган қотилни қидиришяпти.

ЯНА ПИЧОҚ БИЛАН

ТОШКЕНТ. Юнусобод районидаги Темир йўл кўчасида жойлашган 46-уй олдиди жанжал бўлди. Номаълум шахс шу уйда яшовчи, 1963 йилда туғилган С. Должов ҳамда Чилонзор районида истиқомат қилувчи 1958 йилда туғилган В. Йўлчиевларни чавақлади ва ўзи гойиб бўлди.

Жабранувчилар беҳуш ҳолда шифохонага етказилди. Жиноятчини қўлга олиш чоратадбирлари кўриляпти.

ТАФСИЛОТЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Нукус шаҳрида жуда чигал жиноят содир этилган. 22-кичик райондаги 6-уйда истиқомат қилган, 1946 йилда туғилган Б. Мачтаковнинг бежароҳат, аммо чирий бошлаган жасади ўз

хонадонидидаги ваннадан топишган.

Воқеа тафсилоти аниқланмоқда.

ҚОТИЛ ҚЎЛИГА КИШАН

САМАРҚАНД. Булунгур районидаги Улуғбек кўчасининг 37-уйида истиқомат қилган, 1952 йилда туғилган И. Аҳмедовнинг қўлига кишан урилди. Сабаби у 1963 йилда туғилган укаси М. Ўтаевни болта билан чапиб ўлдирган ва бу ҳақда милицияга хабар берган.

ПАЛИДЛАР ҲИБСДА

ТОШКЕНТ. ВИЛОЯТИ. Олмалик шаҳрида олий ўқув юрти талабаси, 1971 йилда туғилган Н. В.нинг номусига тажовуз қилишди. Аммо палидлар қочиб кетишолмади.

Ички ишлар бўлимига келтирилганлар мис фабрикаси соловчиси Э. Турсунқулов ва шу корхона ишчиси М. Назаралиевлар бўлиб чиқди.

«САРИҚ АЖДАР» ҲУЖУМИ

САМАРҚАНД. Каттакўрғон шаҳридаги Попов кўчасида истиқомат қилувчи Р. Пардаеванинг хонадонидан чиққан қора тутун кўкка ўрлади. Олов телевизордан чиққан, дейишяпти мутахассислар. Келтирилган моддий зарар миқдори 25 минг сўмни ташкил этди.

«ДАРВОЗА»

Кейинги пайтларда райониимиз ҳудудида чеккадан келганлар содир этаётган жиноятлар сезиларли даражада кўпайиб қолган эди. Тошкент шаҳри билан чегарадош эмасми, пойтахтда содир этилган қонунбузарликнинг ҳам изини бу ерга келиб йўқотишга уриниб туришади, ҳусусан мурдаларни ташлаб кетиб қоллари тез-тез учраб туради. Бунинг устига ёмон ниятини амалга ошириш илнжидида овлоқ жой ахтариб юрган қанча.

Тошкент райони ИИБ раҳбарияти ташаббуси билан мана шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, қолаверса райондан ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган юкларни тўхтатиб қолиш, дайдиларга қарши курашни кучайтириш мақсадида яқинда «Дарвоза» тадбири ўтказилди.

Тадбир давомида бир қанча ишлар амалга оширилди, қонунбузарликларнинг олди олинди, жиноятчилар тутилди. Жумладан, «Тошкент» жамоа ҳўжалиги ҳудудида Солиҳов деган шахс ушланди. Унинг ёнидан 101 дона қоп ҳам топилиди. Маълум бўлишича, у буларни шу жамоа ҳўжалигининг омборидан ўғирлаб келаётган экан.

Тадбир якунланаётган кунлари ИИБга ўқитувчи Абдор Акмалов мурожаат қилди. Гапига қараганда, чошгоҳ маҳали машинасига бир йигитни миндиради. Улар шаҳар боғи ҳудудида кетишаётганда ҳалиги йигит тўсатдан унинг бўйнига сим ташлаб бўға бошлайди, кучи етмагач, ташлайдию қочиб кетади.

Зудлик билан йўлга тушган оператив гуруҳ ҳали воқеа жойидан узоқ кетиб улгурмаган Эркин Бековни қўлга туширди. Унинг ими-жимида машиналик бўлиб қолиш ўйи чиппака чиқди. Тергов кетяпти. У асли чимкентлик бўлиб, илгари ҳам судланган экан.

Умуман, тадбир давомида кўп жиноят содир этилмади. Шунинг ўзиёқ ҳудудимизда оператив вазият яхшилигини айтиб турибди.

Юнус ЁҚУБОВ,
милиция майори.

«ТУН» ТАДБИРИ

Уларни дағалликда айблашади. Лекин...

Давоми. Боши ўтган сонда.

Гурухлар бирин-кетин жўнаб кетишди. Мени воёга етмаганлар билан шугулланувчи участка вакили милиция кичик лейтенанти Равшан Кўчқоров бошчилик қилаётган гурухга бирктиришган эди. Улар негадир кетишни хаёлига ҳам келтирмаётган, борган сари тоқатим тоқ бўлар, ахир соат 10 бўлиб қолган эди. Бунинг устига Равшан камгап йигит чиқиб қолди, на гапирарди ва на нега ушланиб туришганини икки оғиз сўз билан изоҳлаб қўярди. Уни манманга ҳам чиқариб қўйдим ўзимча ва гурухнинг ягона аъзоси — милиция кичик сержанти Шароф Эгамбердиев билан хасратлашишга киришдим.

Бу йигит уч йилдан буён милицияда экан. Шу йили олий милиция мактабига кирмоқ учун ҳужжат топширган, омади юришмабди. «Майли, — деб қўл силтайди, — ўртасига ҳам бир омадни синаб кўрай қани...»

Ижарада яшар экан. Оиласи узокда.

Мени ҳар доимгидек милиционерларнинг кулгисини қистовчи саволлар қийнарди:

— Ростдан ҳам эрталабгача юрасизларми, ўзи?

— Ҳа, — кулади. — Мен олти ойдан буён шу аҳволда юрибман. Ҳар тун чиқаман.

Нихоят Равшан «кетдик» деб қолди. Шароф боя келган эскироқ «Тез ёрдам» машинасига мина туриб хурсанд сўради: «Биз билан юрарканми?»

«Йўқ, — деди Равшан, — йўлда ташлаб кетади».

Биз билан бирга яна бир милиция катта лейтенанти ҳам машинага минди. У катта участка вакили Сирожиiddин Пўлатов эканини ҳали билмас, Равшан иккаласининг тушунарсиз суҳбатларини тинглаб ўтиравердим.

— Бўлиши мумкин эмас, ахир у эртаиндин ўлиб қоламан, деган бир кампир-ку, — дерди Равшан.

— Сен нимани биласан, отиб олгандан сўнг фарқида борармиди.

— Ҳалиги ўлибдими?

— Оғир, дейди-ку, билмасам...

Анча-мунча юриб қўйгач суҳбатлашишни бас қилишди. Афтидан барча гаплар айтиб бўлинган эди. Озрок вақт жим кетишди.

— Сизлар билан мухбир ҳам чиқади, деб эшитувдим?... — деди Сирожиiddин.

— Ана, — ҳамроҳлар мени кўрсатишди.

У менда камера ҳам, фотоаппарат ҳам йўқлигини кўриб бир оз таъби тиррик бўлгандай бўлдию, сўнг Шарофга гап отди:

— Сен сўнгги приёмингни қўллаб, мухбирни олдида ҳаммамизни шарманда қилма яна.

— Нимаиди у?

— «Куён» приёми.

— Ҳа, уни биламан.

«Тез ёрдам» бизни йўл четига ташлаб кетди. Афтидан ҳали қўзланган манзилга етмаган эдик, яна тўртовлашиб бекатда туриб олиб такси ушлашга киришдик. Мен албатта ҳайронман, наҳотки булар давлатнинг иши учун таксима-такси юришса? Ёки бепулмикни?

Йўқ, манзилга элиб қўйган такси ҳайдовчиси пулни кўртдай санаб олди.

Тўрт қаватли уйга келиб зинапойлардан юқорига кўтарила бошлаганимизда, мен ҳали ҳеч нарсанинг фаҳмига етмаган эдим. Лекин вазирам фақат кузатиш, керак бўлганда ёрдам бериш эканлигини унутмаган ҳолда бирор нарса сўраганим йўқ.

Сўнгги қаватга кўтарилгач, рўпарадаги эшикка кўзим тушди. Шундагина бир нарсани сезгандай бўлдим: у қия очик, қийшайган, тепасидан анча жойи иккига бўлинган, кулф, унинг атрофи ҳам лат еганди. Бошқаларни билмайману,

Хрестофор Колумбнинг сайёрамиз ҳақида айтган гапини биласизми? «Ёр кўпчилик ўйлагандек унчалик ҳам катта эмас», деган экан у. Худди шу гапни фазогирлар ҳам айтишмоқда. Хўш, нима бўлибди? Гап кимнинг нима дейишида эмас, гап Колумб ернинг қолган иккинчи ярмини ҳисобга олмай хулоса чиқарганида.

Мана мақолалар билан ҳам танишиб чиқдингиз (агар олдин хулосани ўқишга ишқибоз

ичкарига кирганда кўнглим айниб кетди: муҳит ўта жирканч эди. Рўпарадаги каравотга тўшалган кўрпа қараб бўлмас даражада кир босиб, яғир бўлиб кетган, ёстиқжилднинг эса ҳар ҳолда қачонлардир оқ бўлганини сезса бўларди; уйнинг ўртасида идраб кетган шолча, нарироқда — эски стулнинг остида ҳар хил кир-чир кийим-кечаклар уюми, иккаласининг ўртасида қон ҳалқоби. Полнинг уч-тўрт жойидаги ленолеум ўйиб, йиртиб олинган, қорайиб қуйган деворга суяб қўйилган пастаккина стулчанинг устида ҳар хил ювуқсиз тақсимчалар айқаш-уйқаш бўлиб ётибди. Шўрданақ қолдиқлари ҳар ёнга сочиб ташланган. Унинг рўпарасидаги жавонга ўхшаш стулда эса ҳамма нарса бор — латта-путта, пичоқ, болга, китоб, қоғоз парчалари. Қон томчилари ва шиша парчалари пол бўйлаб сочилиб кетган. Пойгаддаги каравотда бир йигит ўтирибди. Кўнгири сочлари ўсиб кетган, эғнида яғир қизил иштонидан бўлак ҳеч вақо йўқ. Чап қўлининг билаги кўндалангига уч-тўрт жойидан чуқур кесилган экан, гўшти чиқиб турибди. Ярага боғланган дока сирғалиб пастга тушган. Яғрини қоп-қора, ҳозир роса тупроққа ағнаган ёки бир йилдан буён ювинмаганга ўхшайди.

Йигитнинг рўпарасида милиция капитани ўтириб, унга нимадир уқтироқда. Уйда яна бир жиккакина аёл (аёл сўзини унга нисбатан қўллаш ноқулай, албатта) елиб-юғуриб юрибди. Бир оёғига катта, бесўнақай қилиб дока боғланган, чап кўзи шишиб кетган, йўқолиб кетган чап қошининг ўрнига яшил дори суртиб қўйибди. Қўлида сигарет.

— Жаноблар, — дейди ҳалиги искирт йигит олифталик қилиб, — менинг холамда нима қилиб юрибсизлар ўзи? Қани туёқларингни шикиллатиб қолинглар-чи!..

Булар етмагандек у гирт маст ҳам экан.

— Қанақасига сеники бўлсин? — деди ҳалиги аёл, бу унинг онаси экан. — Ҳозир ўзингни ҳам қувиб чиқармайин бу ердан.

Аёл ё милиция ходимларига тилеғ-ламалик қилаётган эди ўртадаги вазиятни юмшатмоқчи. Йигит эса ҳеч паст келмайди. Янги кириб келганларни кўриб баттар асаби кўзида, дўқлашга, бақирришга тушди. Лекин менинг ажабланган томоним шу бўлдики, милиционерлардан ҳеч ким унга бақиргани йўқ. Иложи борица аҳамият бермасликка уринишарди.

Равшан ва Сирожиiddинлар айланиб уйни кўриб чиқишди, дафтарга алланамаларнидир ёзишди. Равшан аллақайдан бир шиша вино ҳам топиб олди.

— Мен келганимда аёл томда экан, — деди милиция капитани, кейинчалик маълум бўлишича у участка вакили Саид ака Ҳасанов экан. — Нега чиқдинг десам, кўрқиб кетдим, дейди.

Ўртада бўлиб ўтган суҳбатдан англадимки, шу уйдан кимдир пастга кулаб кетган. Уй эгалари эса бу ерда кимдир бўлганини бутунлай инкор этишарди. Ҳалиги йигит: «Соат тўртда уйга келганимда, эшик очилиб ётган экан» дер, ахён-ахёнда милиционерларга: «Эшикни ким синдирди», — деб дўқ ҳам уриб қўярди.

Равшан билан Сирожиiddин текшириб қўриш мақсадида томга чиқиб кетишди. Анча вақтдан сўнг қайтиб тушиб маълум қилишди; ҳеч нарса йўқ.

Бир оздан кейин яна бир милиция катта лейтенанти келди ва Равшан билан учинчи қаватдаги кўшнилари сўрагани тушишди. Уларга эргашдим, лекин ўн минутлик уринишлардан кейин ҳам бу ердан бирор иш чиқариб бўлмади. Қанча кўнгирик чалишу тақиллатишлардан сўнг ҳам икки кўшнидан бирортаси эшик очмади. Биттаси: «Очмаймиз, тамом-вассалом» деб туриб олди. Иккинчиси эса миқ ҳам етмасди. Бу қанақа худо урган одамлар-а, деган ўй ўтди кўнглимдан.

Нихоят учинчи эшикни тақиллатишганида, бир аёл ўглими, неварасими, ишқилиб бир бола билан чиқди. Хушмуомала экан.

— Улар очишмайди, — деди саволга жавобан, — бекорга овора бўласизлар. Тўғридаги эшикда чолу кампир, ён томондагисидан эса бир киз билан отаси яшайди. Иккаласининг ҳам кўзи ожиз. Тепадаги кўшнимизникида эса ҳар доим жанжал.

Рўпарадаги уйдагилар ниҳоят мулоим суҳбатнинг ҳидини олишди, бир пакана кампир ва юзлари буришган чол эшикдан мўралади.

— Бўлди, ётаверинглар, — деди Равшан ҳам, — масала ҳал бўлди.

Тепага қайтиб чиқдик. Саид ака уйдагилар билан жуда чиқишиб олган экан. «Наряд чақирганмиз, манавини бериб юборишимиз керак», — деди йигитни кўрсатиб. Йигит эса хануз оддан тушса ҳам эгардан тушмаган экан:

— Жаноблар, мен боримда ҳали ҳеч ким останага қадам босган эмас. Йўқолинглар...

Бояги тўрталамиз пастга тушиб уйнинг орқасига ўтдик. Ҳалиги одамнинг тушган жойи кичик бир каталакнинг ёғинасида экан. Бу ухлаш хонасидаги деразанинг ости эди. Шу ердаги айвонда ётган бир киши калта иштон билан чиқиб келди: «Мана шу ерга тушди, — деди у, — каттакининг тунукасини ҳам қийшайтириб юборган».

— Балки дарахтдан йиқилгандир?

— Йўқ, у ҳеч қачон пастдан келолмасди. Кучугим нақд еб қўяди-я.

Кўлчирик билан ерни кўришди: ҳеч қанақа шубҳали нарса қолмабди, учи тўртинчи қаватгача етиб борган дарахтни текширишди, бефойда.

— Соат нечада кўрдингиз буни?

— Ўн бешта кам тўққизда.

Аста-секин пиёдалар йўлакчасига чиқишди. Энди нима қилишларини билмай жимгина уларга эргашдим. Йўлак бўйлаб ялангоч кўкрагини кериб келаятган йигитни сезганим ҳам йўқ. Равшан эса уни тўхтатди: «Кечирасиз, расмиятчилик. Ҳужжатларингизни кўрсак бўладими?»

Йигит бамайлихотир касалхонадан қочиб келаятганини айтди. Сўнгра шошиб-пишиб қўшимча қилди. «Бир ўртоғимиз соғайиб чиққанди, шунини «юдик».

— Чўнтагингиздаги нима? — сўради Равшан.

— Ҳа, буми, шиппак, — деди йигит ва чиқариб оёқларига кийди. — Ўзим шундай ечиб олгандим.

Унинг кимлигини чуқурроқ текшириб қўриш лозим эди. Участка таянч пунктга олиб боришга тўғри келди. Ана шу дамда номаълум кимса билан роппа-роса икки ярим соат андармон бўлишимизни хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Етиб боргач, йигит ўзини бундан тўрт кун бурун Хабаровскдан келган Зутиков

деб таништирди. Опаси Чилонзор даҳасининг ўн иккинчи маҳалласида туришини айтди, кейин олтинчи маҳалла деди ва ниҳоят «билмайман»га ўтиб олди.

Равшан ундан опасининг исму-шарифини сўради ва телефон орқали умуман Тошкентда бунақа аёл яшамаслигини аниқлади.

Миям говлаб кетди. Суҳбатдошимиз шунақа гапларни тўқиб чиқарардики, асти қўяверасиз. «Бугун касалхонага тушган эдим, туфлимни олиб қўйишди», — деди.

— Шиппакни қаердан олдинг?

— Кўшнилари берди.

— Қанақа кўшнилари?

— Палатадаги...

Эғнида халатдан ўзга ҳеч нарса йўқ: на қўйлак, на майка. Шимининг почалари чанг.

— 17-қасалхонадан таксига ўтиргандим. Фарҳод бозори ёнида яшайдиган опамнинг уйига боришим керак эди. Ярамас ҳайдовчи шу ерда қолдирди мени.

— Оғайни, — деди бу маҳалда ҳалиги йигитни нарядга топшириб қайтиб келган Саид ака, — сен аллақачон тушишинг керак бўлган жойдан ўтиб кетгансан. Бу ер ўн биринчи маҳалла.

Номаълум кимса ҳали Гуржистон, ҳали Хабаровск ҳақида гапирар, онда-сонда Равшанга: «Келинг, олти бўлак ташлайман, сиз ҳам бошингизни оғритмайсиз, мен ҳам», — деб тақлиф ҳам киритарди. Ниҳоят роса бошогрикдан сўнг ёзилган қоғозга қарасам, йигит Гаврилчикас бўлиб қолибди. Мари шаҳрида яшаркан. Литвада судланган экан.

Равшан бу дайдини олиб кетишлари учун машина чақирришга киришди. Рация тушмагур қанча бақирмасин «пиш-пиш»дан бошқа жавоб бермас, ичкарида ўтириб олган Сирожиiddин эса унга ҳазил қилади: «Томга чиқиб бақирсанг тезроқ келишади». Бунга сари Равшаннинг асаби кўзийди. Телефон қилмоқчи эди, Сирожиiddин яна шаштини қайтарди: «Бўлимда ток йўқ. Ишламаяпти».

Мен ҳайрон. Сирожиiddин эса уқтиради: «Мана кўраясиз қай аҳволда ишлаяпмиз. Ток нима деган гап бўлмаса!».

Бир амаллаб машина чақирришди ва дайдини бериб юборишди. Сирожиiddин Саид акани зўрлаб уларга қўшиб жўнатди: «Сиз кетаверинг, йўлда тушиб қоласиз. Мен барибир шу ерда қолишим керакку!».

Саид ака: «Ҳалиги томдан йиқилганининг шахсини аниқламадик-да», — деганича машинага ўтирди.

Бунгача юқоридаги ҳолат бўйича роса мунозара бўлди. Кимдир ҳали уйда ўтирган, қўллари тилинган йигит уйига келган бўлса, улоқтириб юборгандир, деди. Яна кимдир бошқача гумонини ифодалади: ҳалиги аёл билан томга чиққан бўлса, тушиб кетгандир. Улар мен мутлақо сезмаган нарсаларни — пиллапойларда сочилиб ётган майда тошларни ҳам эътибордан четда қолдирмаган, шундай эсада воқеа ҳали-ҳануз жумбоқ эди. Худди саргузашт-китоблардагига ўхшарди: бузилган эшик, қон, тўртинчи қаватдан тушиб кетган номаълум киши, аёлнинг нарвонсиз томга чиқиб олгани — ҳаммаси сирли ва мавҳум.

Соат икки бўлганида Равшан, Сирожиiddин, Шарофлар билан бирга кўшниларикига — марказлаштирилган қўриқлаш пунктга меҳмон бўлиб кирдик. Камтарона равишда тамадди қилиб олдик.

Бу ерда Сирожиiddин аллақандай рақамларни терди-да, телефонда ким биландир баланд овозда гаплаша бошлади: — Алло, томдан йиқилган одам тирик эканми? Диагнози қанақа? Гирт маст, дейсизми? Уф-ф!..

Кейин тантанали равишда бизга маълум қилди:

— Ҳеч ким томдан тушиб кетмаган...

Исмомил ШОМУРОДОВ.

ХУЛОСА

бўлмасангиз) . Улардан

чиқариладиган хулоса нима?

Тан олишимиз лозимки, кейинги пайтларда милициянинг шаънига яхши гаплар камдан-кам айтилмоқда. Шунга қарамаздан улар ишлашмоқда, ўз бурчларини бажаришмоқда. Мақолаларни тайёрлаш жараёнида

бизга бир нарса таъсир қилди: ўлиб-тирилиб ишласангу бир оғиз ширин гап эшитмасанг. Кўпинча уларни дағалликда айблашади. Кунига йигирма-ўттизта ўғрию каззоб, жиноятчию қонунобузар билан муомала қилавергач, дағаллашасанда. Биз эса ўзимизга ҳамроҳ бўлган мили-

ционерларни ҳали ҳам очик кўнгили раҳимдилроқ эканми, деган фикрга келдик. Уларга аталган бақирришу дўқларни эшитиб, асабимиз титраб кетди.

Колумб умрининг охиригача ўз фикрида қолди.

Тўғри, ер кичкина эди. Лекин у ўйлаган даражада эмас. У нима деб хулоса қилмасин, заминнинг иккинчи ярми йўқолиб қолмади...

БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

ИЧИЛГАН ҚАДАХДАН
ЖИНОЯТГАЧА...

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари орасида иш вақтида спиртли ичимликлар ичиш ҳоллари сезиларли даражада камайди. Бунга милицияда хизмат қилиш учун кадрлар танлашнинг сифатли олиб борилганлиги, уларнинг маданий савияси оширилганлиги ва шу йўналишда профилактик, яқка-тарбиявий ишларнинг яхшиланганлиги натижасида эришилди.

Шунга қарамай ҳали ҳам аҳён-аҳёнда киши таъбини тирриқ қиладиган ҳоллар учраб турибди. Айрим милиция ходимлари қадаҳ кўтарилгач жиноятгача яна бир қадам қолишни унутиб, қондага зид ҳаракатлар қилишмоқда, милициянинг обрўи пугур етказилмоқда.

Ушбу воқеа тафсилотини чоп этишдан мақсад нима эканлигини мақолани охиригача ўқиш жараёнида тушуниб олиш мумкин.

Мақолада 1991 йилнинг кузида республикаимиз вилоятларидан бирида милиция ходими томонидан содир этилган оғир жиноят ҳақида сўз юритилади.

Милиция майори И. М. ички ишларда 1974 йилдан бошлаб ишлаб келган. Олий маълумотга эга, барча тенгдошлари қатори у ҳам қуролли кучларда хизмат қилган. Кейин ҳунар-техника билим юртида ўқитувчи бўлиб меҳнат қилган ва шу билимгоҳ жамоасининг йўлланмаси билан милиция хизматига ўтган эди. Қисқа вақт ичида унинг фаолияти асосан ижобий баҳолалиб, «ИИБ даги аъло хизмати учун» кўкрак нишони билан тақдирланган эди.

1985 йилдан бошлаб эса милиция катта участка вакили лавозимига кўтарилган, тўрт фарзанди бор эди.

31 октябрь куни И. М. одатдагидек хизматга келди, ўзига тегишли қурол ва автомашинани олиб, назорат қилинадиган ҳудудга жўнади. Тахминан соат 18 ва 19лар орасида дўстини учратиш қолди ва унинг уйида биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилдилар. Кайфнинг зўрлигидан милиция майори ўз хизматини давом эттиролмаслигига кўзи етиб, машинасига ўтирган уйига жўнаган. Ўртоғи эса хавотирланиб, ўз машинасида то унинг уйига ортидан кузатиб борган.

И. М. ҳаракат қодаларини қўпол равишда бузиб, йўл четида кетаётган йўловчини уриб юборган, аммо тўхташни

хаёлига ҳам келтирмаган. Кетидан етиб келган И. Ю. бўлган воқеадан ўзининг хабардор эканлигини И. М. ва унинг хотинига айтган. Шундан сўнг улар уч киши бўлиб воқеа жойига келганлар. Маълум бўлишича, жабрланувчи касалхонанинг реанимация бўлимига ётқизилган ва кейинчалик шу ерда оламдан ўтган.

Жинбий жавобгарликдан қўрққан И. М. шахсий қуролидан И. Ю. га уч марта ва ўз хотинига икки марта ўқ узган. И. Ю. шу ернинг ўзида жон берган. Эҳтимол, И. М. шу йўл билан гувоҳлардан қўтилмоқчи бўлгандир.

Кейин негадир таниш аёлининг уйига бостириб кириб, унинг кўз олдида оила аъзоларини отиб ташлаган. Охири сўнгги чорани қўллаб, ўз жонига ҳам қасд қилмоқчи бўлган, лекин шу атрофдаги кишиларнинг аралашуви ва милиция ходимларининг вақтида етиб келганлари туфайли бунинг иложини қилолмаган.

Вилоят судининг жиний ишлар бўйича ҳайъати ҳукмига биноан И. М. шу йилнинг февраль ойида энг олий жазо — ўлимга ҳукм этилди.

Ўз қўл остидаги ходимларининг ишини етарлича назорат қилмаганликлари натижасида шу жиноят келиб чиққанлиги учун ИИБ раҳбарлари, И. М. нинг бевосита бошлиқлари кучайтирилган жавобгарликка тортидилар.

Ҳа, гўёки ҳақиқат қарор топиб, айбдорлар ўз жазосини олгандай. Аммо мақоламизнинг мақсади фақат бўлиб ўтган жиноятни ҳикоя қилиш эмас, балки шахсий таркиб билан ишлашда самарали йўллари кидиришга, хизмат қиладиган ходимлар устидан назоратни кучайтиришга эътиборни қаратишдан иборатдир.

Менимча, участка инспекторлари ва бошқа ходимлар ўз участкаларида қилган ишлари тўғрисида ҳар куни ҳисобот беришлари керак. Шунингдек, улар хизмат бурчларини бажараётган пайтларда назоратни кучайтириш зарур.

Мен бу борада муштарийлардан, ички ишлар идоралари фахрийларидан ўз мулоҳаза ва тақлифларини билдиришларини сўрайман. Сизларнинг фикрларингиз Ўзбекистон Республикаси ИИБ норматив актларини тайёрлашда асқотиши мумкин.

Я. ТИМОШЕНКО,
ички хизмат подполковниги.

Бирлашиш зарур

Ота-она — буюк хазина. Агар уларнинг бой ҳаётини тажрибасидан, оқил доноликларидан унутилмайдиган фойдалана олсак, жамиятдаги кўпгина иллатлар илдиришга болта уришимиз мумкин.

«Қўш уясида кўрганини қилади» деган нақл ҳам бежиз эмас. Бола биринчи навбатда ота-онасидан ибрат олади, уларга ўшагиси келади.

Эҳтимол ана шу сатрларни ўқиган баъзи кишилар: «Бунга ҳамма билади, шундоқ экан сийқаси чиққан гапларни езиб, газета саҳифасини тўлдириш шартми!» — деб эътироз билдиришар.

Бу эътирозда жон бор. Аммо билганларимизга амал қилганимиздан кейин...

Фаргона вилоятида шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида агар аввалги йилнинг шу даври билан таққослайдиган бўлсак, ўсмирлар томонидан содир этилаётган қонунбузарликлар 38 фоизга ўсди. Бу борада Фаргона, Қўқон, Қувасой шаҳарларининг, Олтириқ, Бувайда, Риштон, Сўх, Қува районларининг ҳиссаси

ТАРСАКИ

Биров не-не умидлар билан тўй қилай, халққа ош берай десаю, қандайдир бетарбия кимсалар тўйни бузиб, ошни совитсалар, бу қандай кўргулик бўлди энди? Нима учун бир қишлоқда униб-ўстан, бир ариқдан сув ичган биродарлар бир-бирларига қўл кўтардилар? Нимани бўлиша олмадилар?

Қўлимда Комсомол райони халқ судида 149-сонли жиний иш бўйича чиқарилган ҳукм.

«Судланувчи Тожибой Холмуродович Султонов 1956 йилда «Москва» давлат хўжалигидаги Найман қишлоғида туғилган. «Советобод» давлат хўжалигида механизатор бўлиб ишлайди. Беш нафар фарзанди бор.

Муқаддам судланмаган. Кўриниб турибдики, судланувчининг таржимани холи

рисоладагидек. Аммо унинг давом қиладиган қора доғлар билан булганадиган бўлди...

Ўтган йилнинг сўнгги ойларидан бирида «Советобод» давлат

**ТЕРГОВ,
СУД,
ЖАЗО**

хўжалигида истиқомат қилувчи Холбековлар хонадонидан тўй базми бўлиб ўтди. Тожибой ҳам тақлиф қилинган эди. Вақт кечки соат ўндан ўтгандан сўнг Тожибой уйига қайтмоқчи бўлиб, ўрнидан турди. Тўйхонадан ташқарига чиққанида бир гуруҳ ўспирин йигитчалар жанжаллаштираётганининг гувоҳи бўлди. Т. Султонов уларни ажратиб қўймоқчи бўлди. Аммо унинг гапига кулоқ оғувчи топилмади. Жаҳл устида, кайф билан Баҳром деган

боланинг юзига яхшилаб бир тарсаки туширди. Кейин йўлида давом этди.

Ҳаммаси ана шундан кейингина бошланди. Аламидан туттақан Баҳром Абдумалик деган ўртоғи билан Т. Султоновни қувиб етди. Абдумалик:

— Баҳромни нега урдинг? — дея уни калтаклай кетди.

Т. Султонов жон ваҳмида чўнтагидан қаламтарошнни чиқариб, шахд билан сермай бошлади. Қаламтарош Абдумаликнинг бир неча жойини тилиб ташлади...

Судда гувоҳлик берган Д. Бойтўраев, А. Сангиров, А. Бўронов, Ф. Сангировлар икки томонининг ҳам ширакайф эканлигини билдирдилар. Суд узок мулоҳазалардан сўнг Т. Султоновнинг қилмишига пушаймон эканлиги, учинчи гуруҳ ногиронлигини эътиборга олди. Яна ўртага беш нафар бола тақдир ҳам қўшилди. Тожибой Султонов ЖМнинг 90-моддасига асосан жазога тортилди. Ижро бир йилга кечиктирилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
журналист.

Фарзандингиз ўғри бўлишидан
қўрқмайсизми?

Балоғат ёшига етиб, мустақил ҳаётга чоғланиб турган ўсмирни қандай тасаввур қиласиз?

Агар у ўғил бола бўлса, юзлари тўлишиб, овози дўриллаб, мўйлови сабаз уриб қолади. «Кўз тегмасин, сўхсурдек йигит бўлибди», — деб кўясиз. Ўсмир қиз бола бўлса янада ўзгача хусн ва латофат кашф этади. Тортинчоқ, ҳар бир саволга қимтиниб, ерга қараб жавоб бераётган қизларни кўз олдингизга келтиринг. Ҳадемай бу қизларнинг алп йигитлар умрига йўлдош бўлишини, бир уйни гуллатиб ўтиришини ўйласангиз, ширин энтикиб кўясиз.

Ногоҳон ана шу қизалокни оқ ҳарир пардалардан ҳаё билан мўралаб турган ҳолатдамас, аксинча совуқ темир панжара ортда кўрсангиз-чи? Тоқ ургандек эгингиз жимирлаб, бир зум қарахт бўлиб туришингиз аниқ. Мана, қаршимизда ана шу аҳволга тушган ўсмирларнинг бири — Марья. У икки марта ўғрилиб қилиб, қўлга тушган. Юзлари тунд, ранглари заҳил. Ҳаммага ички бир ғазаб, алам билан, термулади. Гўёки унинг шу ҳолатга тушишига атрофдагилар сабабчидек.

Унинг тарбиячилари, ота-онаси йўқми? Бор. Онаси — Людмила Захарова ҳам ўз жисмидан яралган қизнинг тарбиясига бефарқ қаради. Қизи кечалари бемаҳалда кўчадан қайтганда, қаерларда юрибсан, деб сурштирмади. Назоратдан четда қолаётган қизалок турли тўдалар қомига туша бошлади. Натижа эса аниқ — саёқ юриш, ўғирлик тубсиз жарликка олиб боради.

Марья жарликка тушмаслиги, жиноятга қўл урмаслиги, бу йўлдан қайтиши мумкин эди. Афсуски, олдин ички ишлар бўлими ходимлари томонидан бир неча бор оголантирилиши, ишга жойлаштириб қўйилишига қарамадан тегишли хулоса чиқармади. Олдин бефарқлик кечирилмас хато — жиноятчилик кўчасига кириб қолишига олиб келди.

Панжара ортдаги нитоҳлар... Улар кун сайин қамални ўрнига қўйиб қўйиб қўйиб, балоғат ёшига етмаганларнинг турли хил кўринишдаги жиноят билан шу ҳолатга тушиб қолаётгани, ҳар қандай киши қоригада оғрик уйғотди. Ёшлар келажакимиз, деймиз. Наҳот келажакимиз шулар қўлида бўлса, деб гоҳо ека ушлайсан киши. Тавба қилмай бўладими?

Бир кун туз тотган жойингизга қирқ кун салом бер, деб ота-боболаримиз ўргатишган-ку! Ўзи ўқиб, саводини чиқарган мактабига ўғирликка тушган ўсмир ҳатти-ҳаракатини тузликка туфлашдан нима фарқи бор? Баҳром Юсупов Зарбдор районидаги ҳунар-техника билим юрти талабаси. Шу райондаги Аччи қишлоғида яшайди. Удастлаб қишлоқда жойлашган сартарошхонадан магнитофон ўғирлади. Биринчи сафарданок ошиғи олчи келгач, янги режалар тузди. Ўзи ўқиган 4-мактабга кириб, иккита магнитофон ўмарди.

Ана баъзи ёшларнинг бутун қиёфаси, савияси. Бундан ҳам дахшатли ҳолат, бундан ҳам аянчли тубанлик борми? Эҳтимол Баҳром бу магнитофондан мусиқа тинглаб, илоҳий нарсалар яратмоқчи бўлгандир. Нима бўлганда ҳам қонун унинг бошини силаб қўймади.

«Прогресс» давлат хўжалигида яшовчи Мухтор Эгизовнинг уйда ўғирлик содир қилинди. Текшириш чоғида жами 15 минг сўмлик кимматбаҳо анжомлар йўқолганлиги аниқланди. Кидирув ишлари шунга кўрсатдики, мазкур ўғирлик ўсмирлар қилмиши экан. 1974 йилда туғилган Ойбек Турсунмуродов тенгдоши Соҳибназар Янгибоев иккаласи ўз шерикларига йўл-йўриқ кўрсатиб туришган, улар эса ишни дўндиришган. Тергов давомида ўтган йили худди шу болалар томонидан яна олти жиноят содир қилинганлиги ҳам ойдинлашди.

Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар ҳусусида бундай мисолларни кўпайиб келтириш мумкин. Шу йилнинг тўрт ойида содир этилган фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлашга доир 19 та жиноятнинг 13 таси бевосита ўсмирлар томонидан амалга оширилган. Ҳозир 32 нафар ўсмир алоҳида ҳисобда турибди. Улар жиноят қилишга мойил бўлган ёшлардир.

Шу ўринда ҳақиқат савол туғилади: ёшларнинг ўғирлик қилишгаётганлигини наҳотки ота-оналари билишмайдилар? Билишади. Лекин берган ҳудода екибди, деганларидек ўғли кўтариб келган матоҳ қимга екмийди. Фақат уни қаердан, қандай қилиб топганлигини сурштиришга келганда мум тишлайдилар. Ана шу ноўрин сукут қимматга тушишини ҳаёлларига келтиришмайди.

Беихтиёр Марьянинг ғамгин қиёфаси кўз олдимизга келверади. Аслида уни ғамгин дейиш ҳам қийин. Чунки бу ҳолатга биринчи бор тушгани йўқ. Лекин ҳисобхона жаннат эмас. Унга тушган ўсмирнинг кўзидан еш оқади. Қизини шу ҳолатга ташлаб қўйган онанинг жигари эзилмасмикан? Боланинг увули тутмайдими? Қани фарзандини назоратсиз қолдириб, жиноят кўчасига киришига сабабчи бўлган онани тартибга қақирадиган қонун, шафқатсиз жазо?!

Бутунги кунга келиб ўсмирларни назорат қилишдан ҳеч ким манфаатдор эмасдай бўлиб қолди. Жамоатчилик ҳам вояга етмаганлар билан ишлашни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Олдинлари ёшлар иттифоқи, халқ таълимининг таъсири озми-кўми сезилиб турарди. Ҳозир улардан ҳам садо йўқ.

Ўғил-қизининг тарбиясига бефарқ қараётган ота-оналарга икки оғиз гапимиз бор: фарзандларингизни кўчага ташлаб қўйманг. Ҳозир олдин шўхлик, безорилик бўлиб кўринган салбий ҳолатлар эртага албатта газак олиши тайин. Йўл тўсиш, бировнинг ҳақига кўз олайтириш, ўғирлик қилиш шу тариқа юзага келади. Ўғирнинг ота-онаси бўлишдан ҳам дахшатли иснод йўқ, ана шунини унутмайлик. Шунда панжара ортда ўтиб қолаётган ўсмирлар сафи кескин камаяди.

Б. ШЕРОНОВ,
Зомин райони ички ишлар бўлими
бошлиғи ўринбосари, милиция майори,
А. СОДИҚОВ,
журналист.

ПАНЖАРА ОРТИДАН ХАТ

ЮРАКДАГИ ГАПЛАР

Хотира — ўсаётган дарахт. Унинг зангори шивиридан кечмишнинг тийрак ва ёғур унлари нурдай ёғилиб туради. Хотира водийсининг кўм-кўк адирларида яловдек порлаган орзуимизнинг қизғалдоқлари фурсатларнинг оловли қанотида қўнғироқ мунгини боқий дунё сари учирма қиладик, топганимиз, йўқотганимиз унда-да жам, унда-да муҳафасм бўлади, унда-да бўй кўрсатади.

Тўғри айтилган, турма, қамоқхоналар инсонни қайта тарбияламайди. Лекин адашиб, билмай, алданиб жиноят кўчасига кириб қолган ёшларимиз ахлоқ тузатиш муассасаларига ташлангандан кейин бутун дунёқароши тубдан ўзгарган экан. Сабаб муқаддам 3-4 марта судланган, ёшлари ҳам ўтиб қолган инсонлар, ёшларнинг миясини заҳарлаб, тўппа-тўғри жиноят кўчасига етаклар экан, чунки ёш инсон ҳали ҳеч нимага тушунмас, ахлоқ тузатиш муассасаси маъмуриятининг тутаетган ишлари, ҳақ-ноҳақ қамалган инсонни инсон ўрнида кўрмаслиги, ўз мансабини суиистеъмол қилишлари ёшларнинг бузилиб кетишига катта сабаб бўлар экан. Мен 1984 йил «Жиноят нимадан бошланади» деган мавзудаги асар устида иш бошлаган, лекин охирига етказолмаган эдим. Мана 2 йилдан бери ноҳақлик ботқоғига ботиб турмама турма, қамоқхонама-қамоқхона юриб, минг-минглаб жазо муддатини ўтаётган кишилар билан учрашиб, суҳбатлашганимиз-муассар бўлдим. Охири жиноят ил-дизини тоғдими: унинг келиб чиқишига айрим амалдорларнинг ўз мансабини суиистеъмол қилишлари, қонун менинг қўлимда, бундай даврлардан фойдаланиб қолай, деганлари катта сабабчи экан, худди шунингдек қонунга хилоф равишда иш тутиб, мол-дунё йиғадиган мансабпарастлар ҳам.

Шундай маънавий қашшоқликларнинг олди олинмаси оқибати яхши бўлмайди деган фикрдаман.

Мен ҳам Москва Давлат дорилфунуни ҳуқуқшунослик куллиетида таълим олганман ва олий маълумотга эгаман. 78-йилдан бери оғанда хизмат қилиб келган эдим, лекин тақдирим бебошлик ҳукми сураётган бундай муассаса билан боғлиқ, деб ҳеч ўйламаган эдим. Жазо муддатимни ўтамоқдаман, ўз ҳақ-ҳуқуқим учун кўп ёзим.

Лекин барибир виждонимни сотмайман. Ҳақиқат албатта юзага чиқishi керак. «Жиноят нимадан бошланади» деган китобимни халқ ҳукмига етказсам, шунинг ўзи мен учун катта бахт. Бу менинг ўз халқимга чин виждон ила хизмат қилганимдан далолат беради.

Соатмурод МАФЛЕНОВ.

ИЖОД

Давоми. Боши газетанинг № 64—83-сонларида чоп этилган.

Лейла чиройли қўллари билан жажжи кўкракларини кўтариб қўйди.

— Ҳозир кирмайсизми? — илтифот билан таклиф қилди у.

— Йўқ, — дедим. — Бандман. Балки, кейинроқ.

— Америкалик жентельменлар доим банд бўлишади. Эҳтимол кечкурун вақт топарсан?

— Балки.

У аразлагандай лабларини чўчқайтирди.

— Мавҳум гап. Келасанми, йўқми — маълум эмас.

— Нима қилай? Айнан ҳозир қиладиган ишларим бор, — дедимда, йўлакдан юриб, даҳлизга ўтдим. Пештахта ортида Будда сингари вазмин ва сипо қари хизматчи ўтирарди.

Одам тўла жазирама кўчага чиққан захотим, олдимга рикша чопқиллаб келди.

— Полиция бошқармасига.

Икки юз кадамча йўл босганимиздан кейинроқ нотўғри “улов” танлаганимни тушундим. Катта ялтираган автомобиллар ва юк машиналари рикшани бир қақага олишмасди. Ҳар дақиқада улардан бирортасининг остида қолишимни кутиб, юрагимни ҳовучлаб ўтирдим. Марказий полиция бошқармаси енига келиб тўхтаганимизда, енгил тин олдимда, таң-жонимни омон сақлаб қолгани учун яратганга ҳамдусанолар ўқидим.

Навбатчи сержант келишдан мақсадимни билгач, чоғроққина шинам хонага бошлаб кирди. Оқ сочли бош инспектор менга бепарвогина назар ташлаб, ўтиришга имо қилди.

Бир-биримиз билан танишдик, унинг фамилияси Маккарти бўлиб, кучли шотланд лаҳжасида гапирарди.

— Жефферсон? — инспектор курсига ястаниб, алмисокдан қолган трубкасини чиқарди. Унга тамаки тўлдирар экан, гапида давом этди. — Яна қанақа шов-шув? Пасаденадан бу одам тўғрисида сўров олган эдим. У сизга ким бўлади?

Мен Ж. Вильбур Жефферсоннинг топширигига кўра ишлаганимни айтдим.

— Унинг ўғли ва хитойлик келини тўғрисида иложи борица кўпроқ ахборот тўплашим керак. Сиз айтиб берадиган ҳамма нарса мен учун муҳим.

— Америка консулининг сизга мендан ортиқроқ фойдаси тегар эди, — деди у трубкасини тутатар экан. Хонада хушбўй тамаки тутуни пагапага бўлиб суза бошлади. — Унчалик кўп нарса билмайман. У автомобил фалокатида ҳалок бўлган. Бу сизга маълумми?

— Фалокат қандай юз берган эди?

У елкасини қисиб қўйди.

— Ҳўл йўлда машинани жуда тез ҳайдаган. Ҳалокат рўй берган жойда жиддий бирор нарса топа олмадик. Туманда бошқа машинага бориб урилган.

— Унинг енида бошқа одам бўлганми?

— Йўқ.

— Қаёққа кетаётган экан?

Маккарти ҳайрон бўлиб, менга қаради.

— Билмайман. Фалокат Каулундан тахминан беш миля нарида — Янги худудда рўй берган. Боши оққан томонга бориши мумкин эди.

— Мурдасидан уни ким таниди? Инспектор чайқалиб қўйди. Ўзини зўрга тутаетгани кўриниб турарди.

— Хотини.

— Турмушини тасвирлаб бера олмайсизми? Нима ҳисобига кун кечирар эди?

— Бу қўлимдан келмаса керак, деб ўйлайман, — оғзидан трубкасини олиб, диққат билан тутунга қараб қолди. — Худого шукурки, у бошимни оғритмаган. Ўзини анча сипо тутарди. Биласизми, ўзлари сабабчи бўлмагунларига қадар биз одамларнинг ҳаётига аралашмаймиз. Жефферсон худди шунақа кишилардан эди. Шундай бўлса ҳам, у ҳақда бизга баъзи

нарсалар маълум. Намунали фуқаро эмасди. Номатқул йўл билан пул топадиган хотини ҳисобига яшар эди. Лекин бу борада ҳам, агар бирор ёрдамимиз тегмаса, америкалик фуқароларнинг ишларига аралашмаймиз.

— Сизда унинг хотинига нисбатан шубҳа туғилганмиди?

— Шубҳасиз, у фоҳиша эди. Бу муаммо бизни ташвишга солмоқда, аммо унга қарши курашиш осон эмас. Хитойлик қочоқ аёлларнинг пул ишлаб топишлари қийин, фоҳишалар билан шуғулланиш эса энг осон йўл. Биз шаҳарни улардан мунтазам тозалаб тураемиз, лекин ҳаммаси бефойда.



— Мен аелни нега ўлдирганларини аниқлашга ҳаракат қилмаман.

У яна елкасини қисиб қўйди.

— Бу борада сизга фойдам тегмайди, — у столда ётган биртўп қоғозга ўйланиб қараб қўйди. Мавжуд барча ахборотни лейтенант Ретникка берганман. Бошқа нарса кўша олмайман.

Сухбатни тўхтатиш кераклиги аниқ бўлиб қолди.

— Нима ҳам дердим, раҳмат. Шу ерда қидиришга уриниб кўраман. Балки, бирор нарса топилиб қолар.

— Даргумон. Бўлганда билар эдим...

Сухбатдан кейин Квинс-Роудга чиқдим. Соат етти ярим. Америка консулхонаси епилган бўлиши керак. Бунинг устига Жефферсон ва унинг хотини тўғрисида эътиборга молик ахборот олиш эҳтимолдан йироқ. Фақат ўз кучим билангина бирор нарса топишим мумкин. Лекин нимани ва қаердан излашни тасаввур ҳам қилолмас эдим.

Дўконларга кириб, атрофимдаги ажойиботларни томоша қилганча бир соатга яқин шаҳарда айланиб юрдим. Ичгим келиб қолди. Вэчай соҳилига қараб кетдим. Бу ерда жуда кўп кичик-кичик барлар бўлиб, уларнинг ҳар бири олдида чўкка тушиб ўтирган хитойлик болалар мижозларни беандиша нигоҳ ва кўз қисиб билан ичкарига таклиф қиларди.

Бошқалардан кўра сал тузукроқ емакхонага кириб, қулоқни қоматга келтираётган радио карнайларидан нарироққа бориб ўтирдим. Пештахта енида бир нечта америкалик денгизчилар пиво симиришмоқда. Ёнбошимда икки хитойлик савдогар ўз ишларига доир суҳбат билан овера. Хонанинг ичкаридаги курсиларда ўтирган ешгина хитойлик қизлар чугурлашишмоқда.

Олдимга келган югурдакка виски билан кока-кола буюрдим. У менга хизмат қилаётганида, қаёқдан келиб қолганини билмайман, калта

яшил кўйлак кийган, елкасига жигарранг ёпқич ташлаб олган ўрта яшар хитойлик аёл пайдо бўлиб, рўпарамдаги бўш курсига ўтирди.

— Хайрли кеч, — деди у мени кўздан кечирар экан. — Гонконгда биринчи бўлишингизми?

— Ҳа.

— Сизга шерик бўлсам, эътироз билдирмайсизми?

— Нега энди. Ичимлик таклиф қилсам майлими?

У кулган эди, тилла тишлари ялтираб кетди.

— Бир пиёла сутдан воз кечмасдим.

Мен югурдакка кўл силтаган эдим, нима кераклигини билди

учун жентельменларни уйига таклиф қила олмайди. Бу сизга ўттиз Гонконг доллари ва хона учун ўн долларга тушади, — аёл тилла тишларини ялтиратиб қулди. — Менга эса уч доллар.

Қизиқ, бу пулларни ҳаражатлар рўйхатида кўрсатсам, қари Жефферсон нима деб ўйларкин?

— О'кэй, — мен ҳам қулдим. — Лекин у бошқа қиз эмас, Жо-Эн эканлигини қандай биламан?

— Ҳазиллашяпсизми? — суҳбатдошим диққат билан менга қараб қўйди. У Жо-Эн. Бошқа ким бўлиши мумкин?

— Тўғри. Ҳазиллашдим.

У ўрнидан турди.

— Бориб кўнғироқ қилай.

Аёл хонани кесиб ўтди-да, телефон турган пештахта енига келди. Кўнғироқ қилаётганида, денгизчилардан бири келиб, елкасидан кучоқлаганди, ишора билан тинч қўйишини буюрди, сўнгра менга қараб кўз қисди. Жавобан мен ҳам кўз қисиб қўйдим. Барда дўстона ва эркин муҳит ҳукм сураб, ҳаммаси ошқора юз берарди. Аёл трубкани жойига қўйганда ҳамма, шу жумладан югурдаклар ҳам мен қиз буюрганимни ва у кўп ўтмай келишини билди. Бунинг устига улар бундан хурсанд бўлаётгандай эди.

Аёл денгизчи билан гаплашиб олди-да, яна трубкани кўтарди. Савдо чакқон борарди.

Қадахимни бўшатиб, югурдакка яна келтиришни имо қилдим.

Башанг пляж кийимидаги икки америкалик келиб, мендан сал нарига ўтиришди. Кўнғироқ қилиб бўлгач, аёл енимга қайтди.

— Ўн дақиқадан кейин келади. Пайдо бўлиши билан айтаман, — шундай деб америкаликлар енига ўтирди. Беш дақиқалик суҳбатдан сўнг, яна телефон енига кетди.

Чорак соатча ўтувдики, эшик очилиб, баланд бўйли, келишган бир қиз кириб келди. Устида тор, оқ-қора оврўпоча кўйлак. Шу рангдаги сумкасининг боғичи билагига ўралган. Унинг жозибаси туйғуларни жунбушга келтирарди. Қиз аёлга қараган эди, у менга ишора қилди. Гўзал менга кўз югуртириб, кулимсиратанча хумор ила хонани кесиб ўтди. Денгизчилар хуштак чалиб, дўстона илжайиб қўйишди.

Қиз енимга ўтирди.

— Хэллоу. Исмнинг нима?

— Нельсон. Сеникичи?

— Жо-Эн.

— Жо-Эн, кейинчи?

У столда ётган кутидан сигарет олди.

— Оддийгина — Жо-Эн.

— Винг Чанг эмасми?

У менга диққат билан тикилди-да, қулди. Тишлари чиройли, оппоқ эди.

— Бу менинг исм-шарифим. Сен қаёқдан биласан?

— Оғайним ўтган йили шу ерда бўлган эди, — дедим ёлгон гапирётганига парво қилмай. — У сен билан учрашганини айтувди.

— Хурсандман, — дея сигарет тутатди. — Сенга ёқдимми?

— Албатта.

— Демак, кетдикми?

— О'кэй.

— Бекам учун уч доллар берасанми?

— Бердим.

Тилла тишларини ялтиратиб, қўшмачи аёл келди.

— Қаноатланингизми?

— Бўлмасам-чи.

У пулни қаергадир яширди.

— Келиб турунг. Мен доим шу ердман.

Ўзини Жо-Эн деб таништирган қиз ўрнидан туриб, эшик томон юрди, мен орқасидан эргашдим. Денгизчилар орқамиздан кулганларича қолишди.

— Тузуккина, арзон бир меҳмонхонани биламан, — деди қиз, одам тўла дим кўчага чиққанимиздан кейин.

— Мен ҳам биламан. “Самовий салтанат”да яшайман. Ўша ерга бораемиз.

— Яхшиси менинг меҳмонхонамга бораёйлик, — у менга кўз қирини ташлади.

— Меникига бораемиз, — шундай деб қўлтигининг тагидан олдим-да, оломон орасидан ўз меҳмонхонам томон бошлаб

кетдим.

Қиз итоат билан енимда борарди. Ундан қимматбаҳо атир ҳиди келаётгани менга хуш ёқаётганди. Ёқимтой юзидан ҳеч нарса англаб бўлмасди. Қисқа йўл давомида бир оғиз сўз айтгани йўқ. Тик зинапоядан енгилгина кўтарилди. Елкаси, бели келишган, оёқлари чиройли ва узун. Бир пиллапоядан иккинчисига оёқ қўяр экан, сонларини фоҳишаларга хос ликиллатарди. Уни вазият талаб қилгандан кўра каттароқ қизиқиш билан кузатаётганимни сезиб қолдим.

Қари хизматчи пештахта ортида мудраб ўтирарди. Ёнидан ўтаётганимизда бир кўзини очиб аввал қизга, кейин менга синчиклаб қараб қўйди-да, яна кўзини юмиб олди.

Очиқ эшик олдида турган Лейла тирноқларини тарашлаётган эди. У қизга кўз югуртириб чиққач, менга заҳарханда қараб қўйди. Мен ҳам унга шундай жавоб қайтардим ва эшикни очиб, дим, сассиқ хонага ҳамроҳимни олиб кирдим.

— Менга ўттиз доллар эмас, кўпроқ беролмайсизми? Эллик долларга кўнглингни шундай олардимки...

У батамом тайёр эканлигини билдириб, қўйлагиди тугмаларини ечиб ташлади. Тўхтатишга улгурмасимизданок, ярим яланғоч бўлиб олганди.

— Бир дам шошмай тур, — дедим картмонимни чиқариб. — Бу ишда шошиб бўлмайди.

У ҳайрон бўлиб менга қаради. Мен Жо-Эннинг ўликхонада олинган суратини узатдим. Гўзал, бир оз маъносиз юзини шубҳа ва эсанкираш қоплади. Аввалига суратдан кўз узолмай қолди, сўнг менга қаради.

— Бу нима?

— Жо-Эн Винг Чангнинг сурати.

У истамайгина тугмаларини қадади. Қора кўзларини ҳоринлик пардаси қоплади.

— Сенда унинг сурати борлигини қаердан билай. Бека уни ҳеч қачон кўрмагансан деган эди.

— Сен уни билармидинг?

— Бу шунчалик муҳимми?! Мен ундан ширинроқман. Мени хоҳламайсизми?

— Уни билармидинг, деб сўрадим.

— Йўқ, билмас эдим, — у, тўсатдан асабийлашди. — Ҳақимни олсам бўладими?

Бешта ўн долларлик қоғозни олиб, кўз-кўз қилдим.

— У бир америкаликка турмушга чиққан эди. Исми Герман Жефферсон. Уни танирмидинг?

Қизнинг юзи нафратдан хунуқлашиб кетди. — У билан учрашганман, — у яна Жо-Эннинг суратига қаради. — Нега у... У ўлика-ўхшайди.

— У ҳақиқатан ҳам ўлик.

Қиз худди қақиб оладигандай суратни отиб юборди.

— Ўлган кишиларни томоша қилиш ёмонлик аломати. Ҳақимни бер. Кетишим керак.

Мен Германнинг суратини кўрсатдим.

— Бу унинг эрими?

У суратга кўз қирини ташлаб қўя қолди.

— Мен адашибман. Ҳеч қачон унинг эрини кўрмаганман. Ҳақимни олсам бўладими?

— Ҳозиргина у билан учрашганман дединг-ку.

— Адашибман.

Биз бир-биримизга тикилиб қараб турардик. Афт-ангоридан вақтни бекорга ўтказаетганимни тушундим. У менга бошқа ҳеч нарса айтмоқчи эмасди. Пулни узатгандим, дарҳол сумкасига солиб қўйди.

— Агар Жефферсон ҳақида бирор қизиқарли нарса айтганимизда бундан анча кўп олган бўлардинг, — дедим бор умидимни узиб.

У эшикка қараб юрди.

— У ҳақда ҳеч нима билмайман. Совга учун раҳмат.

Қиз эшикни очди-да, сонларини намоишкорона ликиллатганча жўнаб қолди.

Мана бунинг хато деса бўлади! Жефферсондан олган пуллар ҳам бекор кетди. Фақат улар меники эмаслиги бир оз тасалли берарди.

(Давоми бор).

Ташвишлардан ташқари

ТОҒНИНГ ЧЎҚҚИСИДАН ЙИҚИЛДИ ОҲУ



Муҳиддин ИСРОИЛОВ.

1985 йилдан буён Учкўприк райони ИИБ да ахлоқ тузатиш ишлари инспекциясида хизмат қилиб келади. Милиция капитани. Шеърятга ниҳоятда қизиқади. Қўпрати борича қалам тебратди. Аммо ўзининг айтишича, ёзган шеърларини вилоят миқёсидан юқори бўлган

нашрларга юбориб кўрмаган.

Журъати етиб бизга йўллабди. Ҳар ким ҳам бу дарди бедавони сатрларга сингдира олмайди.

Марҳамат, сиз ҳам ўқиб кўринг, ярангиз қайта тирналган бўлса, биз эмас, Муҳиддин айбдор.

БИР КУНИ КЕЛАРСАН

Ўзим айтган ёлғонларга ишонтириб ўзимни,
Боглар аро беҳол кезгум, хазон кўмар изимни,
Кунлар ўтар умид ила сенга тилаб тўзимни.
Ҳозирча кутаман, кутавераман.
Рўйи сариқ яримта ой — менинг кемтик юрагим,
Жовдираган хира юлдуз — етолмаган тилагим,
Қаро сочинг қаросидан бир ёруғ кун сўрагум.
Ҳозирча кутаман, кутавераман.
Умрим шамдай сўниб борар, соғинчлардан ўламан,
Бир кун келиб юрагингни армон билан тиламан,
Ва ўшал кун қабрим узра тиз чўқарсан, биламан!
Ҳозирча кутаман... кутавераман.

ТЎЙ ОҚШОМИДА

Мажнунтол....

бош эгма, висол йўқ бугун,
Ёйилган сочларинг бўйнимга дордур.
Менга қўшилишиб осилди очун,
Бугун ёр кўнглида озорим бордур.
“Ёр-ёр“ни баралла айтар дугона,
Чимилдиқ — Искандар қурган девордур.
Қарс синди қадамим қўйган остона,
Бугун ёр кўнглида озорим бордур.
Тоғнинг чўққисидан йиқилди оҳу,
Хиёнат боғида бугун баҳордур.
Шўр юрак қақраган, мижжа жикқа ҳўл,
Бугун ёр кўнглида озорим бордур.

ЯНА ФИРОҚ...

Мен беҳуш кезаман юрагим тўлиб,
Васлингга тўймадим бир ошиқ бўлиб,
Ялпизлар турибди бош эгиб, сўлиб,
Ўша, биз учрашган сой бўйларида.
Чорасиз ошиқман, хаёлга ботдим,
Қуёшни ухлатиб, ойни уйғотдим,
Қумлоқ соҳилларга бош қўйиб ётдим,
Ўша, биз учрашган сой бўйларида.
Дардимга бепарво ой боқар кулиб,
Сувларга отайми юрагим юлиб,
Юлдузлар йиғлайди менга термулиб,
Ўша, биз учрашган сой бўйларида.
Висолинг эртака айланди, эркам,
Эртака айландим, дунё — мири кам,
Чақирсам чиқмайди тилла балиқ ҳам,
Ўша, биз учрашган сой бўйларида.

ЖИНОЯТЧИ ҲАЛОК БЎЛДИ

Шу йил август мажбур бўлди. Олдин кунларидан бирида бир марта осмонга соат 18ларда участка огоҳлантириш ўқи уз- вакили, милиция ди, натижа бўлмагач, лейтенанти Эшонқул жиноятчиға қарата Омонов Тошкент тишга мажбур бўлди. шаҳар Чилонзор Оқибатда Сергей даҳасининг 14 касалхонага етмаёқ маҳалласидаги 18- йўнинг енида шубҳали кишини учратиб айни пайтда касал- қолди. Яхшилаб разм хонада даволанмоқда. солса, у Бухоро шаҳар Тошкент шаҳар ич- ИИБ томонидан ки ишлар бошқармаси анчадан бери бу иш бўйича хизмат қидирилаётган Сергей текшируви ўтказ- Финанин экан. моқда.

Қўлга олиш Терговни эса Акмал пайтида у кескин Икромов райони қаршиликлар кўрсата прокуратураси олиб бошлади: енидан бормоқда. Курол пичоқ чиқариб тўғри қўлланилган, участка вақилининг деган хулосага қўли, бўйни. ва бир келинди.

жароҳат етказди. Эшонқул Омонов О. ЁҚУБЖОНОВ, қурол ишлатишга милиция подполковниги.

Ўғри ушланди

Йигирма олти ёшга кирса, бола-чақаси бўлса, уч марта қамалиб чиқса-да Валерий тавба қилмади, текинхўрлик билан ҳаёт кечиришни давом эттирди.

Бу сафар қўшнисини чет элга бориб келганидан хабар топди. “Шу қўшним бўладиган бўлса, у ёқдан ҳам қуруқ қайтмагандир“, — деб ўйлади.

Елена ишга кетган чоғда, қулфни бузиб кирдию, уйдан 23 минг 770 сўмлик тилла тақинчоқ, қимматбаҳо кийим-кечаклар, магнитофонни ўмариб чиқди. Ўз уйида озроқ нарсаларни қолдириб, қолганини икки жомадонга жойлаб, Тошкентга келтирди. Арзон-гаровга пуллади. Милиция эса уни Қўқонда кутиб турарди.

Муҳаммад РАЖАБ ўғли.

Қимматга тушди

Жаркўргон район ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ходимлари милиция сержантлари Ботир Раимов ва Саъдулла Ҳамроевлар курилиш конструкциялари комбинатида хизмат бурчини ўташмоқда эди. Уларнинг диққатини комбинат цехларининг бирида тўрт-беш ишчининг маст ҳолда пул тикиб, қимор ўйнашаётгани тортди. Соат кески 21 лардан ошган эди.

Милиционерлар улардан район ички ишлар бўлимига боришини талаб қилишди. Шунда тартибузарлардан бири Қурбонниёзов Мўминов уларни сўқишга тушди.

Оқибатда у район халқ суди қарори билан 400 сўм жарима тўлади.

М. ҚОДИРОВ,
милиция капитани.

ҚАРИБ ҚУЮЛМАГАН КИССАВУР

...Фарғонадан келган меҳмонлар бозор-ўчарини қилиб, машина кутиб туришарди. Улар қаердан ҳам билишсин киссавурлар ҳам “тирикчилик“ қилиб юришганини.

Автобуга чиқаётган Ҳамиджоннинг чўнтагига бир қўл сирғалиб кириб 45 сўм пулни олиб чиқди. Кейин маълум бўлишича, бу қўлнинг эгаси илгари беш марта судланган 41 ёшли Ёқубжон Ҳошимов экан.

Суд уни беш йилга ҳукм қилди.

Муҳаммад РАЖАБ,
Қўқон шаҳри.

ҚЎША-ҚЎША ҚУВОНЧЛАР


МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА АТАЛДИ

Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигини муносиб кутиб олишга ҳамма жойда, шу жумладан ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида ҳам қизгин тайёргарлик кўрилди. Қолаверса ИИВнинг ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси кўп йиллардан буён меҳнат муассасалари мусиқа ҳаваскорларининг сиртқи кўрик-танловини ўтказиб келмоқда эди. Бу борада навбатдаги тадбир эса айнан байрам арафасига тўғри келди.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, Қашқадарё вилоятида жойлашган барча ахлоқ тузатиш муассасалари бадиий-ҳаваскорлик гуруҳлари кўп йиллардан буён бош мукофот ва совринли ўринларни эгаллаб келишган. Бу йил ҳам улар байрамга астойдил тайёргарлик кўришганларини намойиш этдилар.

Концерт дастури бошланишидан бурун яна бир хушxabарнинг гувоҳи бўлдик.

Имон-эътиқодга бўлган қатъий муносабатимиз тимсоли сифатида бу ерда катта бўлмасида шарқ меъморчилиги анъанасига мос, ислом ақидаларининг ҳамма қонуни-қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қурилган масжиднинг очилиш маросими бўлди. Унда Қарши



шаҳридаги Кўкғумбаз жомеъ масжидининг бош имом хатиби, “Садоқат“ ислом маданий марказининг раҳбари Исмоил ҳожи Райҳон ўғли қатнашиб, муассаса маъмуриятининг бу хайрли ишларини қўллаб-қувватлаб, барча маҳбустларни қайси динга эътиқод қилишидан қатъий назар бир-бирларига меҳр-шафқатли бўлишга ундади. Шунингдек, муассаса масжидига дини исломнинг муқаддас китоби — Қуръони Каримни ҳаёда этди.

Шундан сўнг карнай-сурнай садолари остида концерт дастури намойиш этила бошланди. Унда маҳбустлар йиғилганларга ўзлари

тайёрлаган ҳар хил саҳна кўринишлари, рақслар намойиш қилишди, қўшиқлар ижро этилди. Уларнинг бу чиқишлари нафақат танлов ҳайъати аъзоларини, балки шу ерда йиғилган оталиқ ташкилотлар вакилларию маҳбустларнинг ота-оналарини, ёру биродарларини ҳайратга солди.

Бир сўз билан айтганда қўшалок байрам жуда сермазмун ва қувноқ ўтди.

Чори САТТОРОВ,
ички хизмат капитани.
Суратда: тантанадан лавҳа.



Айни пайтдаги жиноятчилик оламию унга қарши кураш, осойишталик посбонларининг ютуқ ҳамда камчиликлари, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги энг янги маълумотлар билан мунтазам танишиб боришни хоҳлайсизми?

Эҳтимол детектив асарлардан намуналар ўқимоқчи, фан, маданият ва санъатда кўзга кўринган иқтидорли кишилар билан учрашмоқчидирсиз?

Балки корхона, ташкилот, муассасангиз имкониятлари-ю хизматларидан бошқаларни огоҳ этишни истарсиз?

МАРҲАМАТ,

«Постда»

«Не посту»

газеталари эҳтиёжингизни қондиришда Сизга энг яқин кўмакчи бўлади.

Бу нашрларга келгуси йил учун обуна баҳоси — 312 сўм.

Индекслари — 64615 ва 64616.

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.

■ Қўлёмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Ўзбекистон Жумҳурияти
«Шарқ» нашриёт-
матбаачилик концерни
босмахонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.**

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир —
54-37-91, муҳаррир ўринбосари —
39-77-23, масъул котиб — 59-26-56,
мухбирлар бўлими — 59-20-92, уму-
мий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

**Муҳаррир —
Зокир ОТАЕВ.**

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.**

СЕН ЁНМАСАНГ, МЕН ЁНМАСАМ...

Камолнинг ота-онаси уйда йўқ эди. Ташқарида юрган синглиси Назиранинг шарпасини ҳисобга олмаганда ҳовлида жимжитлик ҳукмрон. Хаёлига келган фикрни рўёбга чиқариш учун унга ана шу Назирагина ҳалал берарди.

У ташқарига чиқди. Синглисини қўшничикига бир юмуш билан жўнатар экан, ухлаб ётган яна бир синглиси Назокатни уйғотиб юбормаслик учун оҳиста қадам ташлаб ичкарига кирди. Назокатнинг кўзлари пирпирай бошлади. Уйғонди-ю, акасига кўзи тушди.

— Ҳомиланг кимдан бўлган? — сўради Камол дабдурустан.

Назокат унга тикилганча индамай ётар, ҳатто нима бўлаётганини тушунмасди. Шу пайт томоғини акасининг қўллари бўға бошлади. Бир пайтлар Камол синглисини эркалаб, суюб мана шу қўллари билан кўтариб юрарди. Уни еру кўкка ишонмасди. Бугун бўлса шу қўллари билан... Назокат ҳатто овоз чиқаришга улгурмади, кўзлари бир чақнади-ю, жон берди...

Қўшничикидан чиққан Назира акасининг юзидан ёғилиб турган ташвишни кўриб, қотиб қолди:

— Тинчликми, ака? — сўради хайрон бўлиб.

— Дадамга бориб айт, Назокат касал бўлиб қолди.

Ҳеч нарсадан хабари йўқ Назира ортга бурилди.

... Назокатнинг ақли заиф эди, қолаверса яхши гапира олмасди ҳам. Камол ҳарбий хизматдан қайтган пайтларида у кимдандир ҳомиладор бўлиб қолди. Бу воқеа ота-она, ака-сингилларнинг бошини эгиб қўйди. Чунки, шундоқ ҳам: "Ана, Назокат жиннининг акаси кетяпти", — дея масҳара қилувчилар кўпчилик эди.

Одамлар ҳам қизиқда, Назокатда нима гуноҳ? У барча қатори қиз бола эди. Бироқ ақлининг заифлиги сабабли ҳаммага кулги бўлди. Аслида масҳаралашга лойиқмиди? Одамларнинг қандай қурблари етаркин бунга? Ахир синглисининг ожизлиги айб эмаслигини айтиб, Камолнинг ҳам кўнглини олиш мумкин эди-ку. Бу эса барчанинг бурчи, Назокат олдидаги қарзлари эди. Шулар ҳам етмаганидек энди унинг ҳомиладорлиги ҳам гап-сўзларни орттирди.

...Ҳовлига йиғилганларни шубҳалар ўз ҳолига қўймасди, чунки Назокатнинг бўйнидаги бармоқ излари кўкимтир тус олганди. Бир четда Камол дадаси ва тоғаси билан маънос ўтиришарди.

— Бу ишни ким қилди? — сўради дадаси.

— ...Мен, — зўрга жавоб қила олди Камол.

— Сен?! Нера?! — Чидолмадим. Одамларнинг гапира... Ор қиладиган бўлиб қолдим.

Ҳа, номус ўлимдан кучли деганлар ҳақ эканлар. Ана шу орият Камолнинг қалбига қотиллик

уруғини сепди. Нафақат Назокатни, балки унинг туғилажак чақалоғини ҳам орамиздан олиб кетди. Бечора гўдак-а. Сенинг нима гуноҳинг бор эдики, бу влани ҳатто бир бор кўрмадинг?

Биз Камолни оқламоқчи эмасмиз. Ахир у икки кишининг ўлимига сабабчи бўлди. Қилмишига яраша Ўзбекистон жиноят мажмуасининг 80-модда, 5-бандига мувофиқ саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди. Қолаверса, Қўрғони Каримда ҳам: "Кимки бировни қасддан ўлдирса, унга Худонинг ўзи олий жазони ҳозирлаб қўйибдур" деб ёзиб қўйилган. Бироқ бизни бошқа нарсаси, атрофдагиларнинг муносабати ташвишга солади. Қаранг, Назокатнинг заифлигини қалби оғриб қабул қилмадилар, аксинча унинг устидан кулишди, масҳаралашди. Аввало худо кўрсатмасин-у, ўшалар оиласида ҳам ақли заиф фарзанд туғилиши мумкин эди-ку! Юрагининг, жигарининг бир банди бўлмиш фарзандини бошқа қалтабинлар мазахлаши мумкин эди-ку!

Суюқоёқлик ботқоғига шўнғиб кетган номаълум кимса-чи? Аслида Назокатнинг ўлимига, Камолнинг қамоқ жазосини олишига, бутун бошли оилани бадном этиб қўйишга у сабабчи эмасми?! Афсуски, қотилликни содир этган шахсни икки кун ичида топишга муваффақ бўлган Марҳамат район ички ишлар бўлими ходимлари Назокатнинг номусини паймол қилган номаълум кимсани аниқлашга ожизлик қилдилар. Чунки бу ҳақда фақат икки кишигина биларди, холос. Улар ҳам бўлса Назокат-у, номаълум кишининг ўзи.

Бироқ Назокат энди орамизда йўқ. Бўлганда ҳам у ҳеч нарсаси олмади. Ахир ҳомиладорлигининг ўзини ҳам у тушунмасди. Демак, атиги бир кишигина — номардлик белбоғини боғлаган кимсадан бўлак ҳеч ким бу ҳақда бир нима дея олмайди. У бўлса: "Мана, мен Назокатнинг ўлимига сабабчи бўлган. Жазоланг мени", — демайди-ку. Унга ўхшаганлар орамизда топилади. Уларнинг ҳатти-ҳаракатларини биламиз, ҳатто кўриб турибмиз. Бироқ жиммиз. Вақти келиб бизларга ҳам хиёнат қилишларини наҳотки ўйламасак? Бефарқлигимиз, лоқайдлигимиз ортимиздан ўчмас из қолдирсада, юрагимиз "жиз" этиб қуйишини билмаймиз. Нозим Ҳикмат айтганидек: "Агар сен ёнмасанг, агар мен ёнмасам, ким ёқади зулмат қаърини?"

Бизларга номаълум бўлган шахснинг ким эканлигини ҳозирча билмасак-да, уни Оллоҳнинг ўзи назоратига олсин. Қилмишлари эвазига бир умрлик виждон азобида дучор этсин. Зеро, у бунга лойиқдир. Одамларнинг-ку қаҳридан қўрқмай қолдик чоғи, ҳеч бўлмаса худонинг қаҳридан қўрқсак бўларди, азизлар.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

ЭЪЛОН

1991 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти қошидаги лицейнинг махсус синфини битирганлиги ҳақида Раҳимов Бобир Сатторович номига берилган № 523019 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли:

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек (аввалги Куйбишев) районидаги 241-ўрта мактаб томонидан Лутпуллаев Элбек Хайруллаевич номига берилган саккизинчи синфни битирганлиги ҳақидаги В № 237536 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.